O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 3-fevral, chorshanba № 9 (8242) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз, Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ВОДИЛНИНГ КЎРКАМ БИНОСИ

Фарғона тумани Водил қишлоғидаги компьютер технологиялари коллежида ўндан ортиқ компьютер синфхоналари, математика, биология, физика, кимё каби фан кабинетлари мавжуд бўлиб, улар барча зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали билан ҳамкорлик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда яхши самара бермоқда.

Суратларда: Фарғона тумани Водил қишлоғидаги компьютер технологиялари коллежидан лавҳалар.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ — ДАРС МАЗМУНИДА
2—3-бетлар

MATEMATIKA SIRLARGA BOY
5-бет

«КУНДАЛИК ДАФТАР»ДАГИ БАҲО
Ўқитувчи — ота-она — маҳалла эътиборидан тушмасин
7-бет

ОДАМИЙЛИК ФАЛСАФАСИ
11-бет

HAR BIR BOLA — O'ZGACHA OLAM

16-бетга қаранг ⇒

Ayni paytda, tobora rivojlanib va kengayib borayotgan axborot makonida nodavlat ommaviy axborot vositalariga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

Ma'rifat –
2010-yil 3-fevral

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ОАВ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш баробарида мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзуидаги медиа-анжуманда соҳа ходимларининг бу борадаги вазифалари атрофлича муҳокама этилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Fуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Миллий телерадиокомпания раиси А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий оммавий ахборот воситаларини муттасил ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, чинакам эркин фикр минбарига айлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муҳим масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қатор Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолати оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларининг қарор топаётганида намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, тобора ривожланиб ва кенгайиб бораётган ахборот маконида нодавлат оммавий ахборот воситаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу жиҳатлар ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шароит яратилгани, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун моддий ва маънавий кўмак кўрсатилаётгани, уларни замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Медиа-анжуманда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимояси, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфида ўқитиладиган «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» курси бу, аввало, Ватанимиз иқтисодиёти географиясидир. Унинг вазифаси ўқувчиларни ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви ҳамда районлараро алоқалар билан таништириш. Шу мақсадда хўжалик қурилишимиз, хўжалигимизнинг бозор иқтисодиёти асосида қайта қурилаётгани баён этилади. Зеро, ўқувчилар жонажон Ватанимизнинг барча ҳудудларида кечаётган бунёдкорлик ишларининг маъноси ва аҳамиятини билиб олиши ва тушуниши лозим.

Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" мавзусидаги маърузасида келтирилган маълумотлар ниҳоятда асқотади. Қуйида "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий география" курсини ўқитишда мажлис материалларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва йўллари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Мажлисда таъкидланганидек, 2009 йил, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича Ўзбекистон танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода намуна йили бўлди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз *"Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта"* дея таъкидлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси курсини ўрганиш жараёнига бизнингча, қуйидаги материалларни киритиш мақсадга мувофиқ.

"Ўзбекистоннинг географик ўрни" мавзусини ўрганишда Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари якунлангани, бу мамлакатимизнинг транзит имкониятларининг амалий ифодаси эканини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, ўқитувчи мазкур транзит газ қувурини ёзувсиз харитага чизиш ҳақида топшириқ берса, ўқувчиларнинг хотирасида қолиши осонлашади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилган. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлардан бири аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни ка-

ИШОНЧ ПАРВОЗГА УНДАЙДИ

Munosabat

Жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" дея эълон қилиниши мамлакатимиз ёшлари томонидан қувонч ва ифтихор билан қарши олинди. Бу, албатта, эзгу мақсадларни кўзлаётган жонажон Ватанимизнинг эртанги порлоқ келажагини қуришда ёшларга катта умид ва ишонч билдирилаётганлигининг яна бир ифодасидир. Шу билан бирга, ёшларнинг зиммаларига мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш масъулияти ҳам юкланади.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорда комил авлодни тарбиялаш йўлида жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган қатор устувор вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Тўғриси, қарорни ўқиб биз ёшларнинг имкониятларимиз тобора кенгаяётгани, яратилаётган шароитларнинг янада яхшиланаётганлигидан бошқа тенгдошларим қатори хурсанд бўлиб кетдим.

Қарордаги бандларда кўзда тутилган чора-тадбирлар фақат жорий йилда амалга ошириладиган лойиҳа-режалар бўлибгина қолмай, балки мустақиллик йилларида кенг кўламда олиб борилаётган ёшларга қаратилган сиёсатнинг такомиллашган кўриниши ва узвий давоми эканлигига амин бўлдим. Интеллектуал бойлик асри деб аталаётган бугунги даврда иқтидорли ёшлар сафини кенгайтириш, баркамол авлодни вояга етказиш юзасидан мамлакатимиздаги таълим муассасаларида самарали ишлар амалга оширилаётганини кўриб, билиб турибмиз.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда белгилаб қўйилган тегишли вазифалар, жумладан, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, ўқув лабораторияларини базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бизнинг университетимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув юртимиз жамоаси ўтган йиллар давомида сезиларли муваффақиятларни қўлга киритди. Бу, айниқса, ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий соҳаларда яққол кўзга ташланади.

Имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, биз ёшлар ҳам илмий-ижодий, ижтимоий жараёнларда фаол қатнашиб, юртимиз ривожи йўлида ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Дилмурод УСМОНОВ,
ЎзМУ магистранти

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 22-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг замон талаблари асосида билим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Мактабдаги ахборот-ресурс маркази, компьютер ва лингафон хоналари, спорт зали доимо ўқувчилар билан гавжум. Шунингдек, бу ерда ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида шахмат, шашка, қўл тўпи каби спорт турлари билан шуғулланишлари учун ҳам имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, ўқувчилар бичиш-тикиш, зардўзлик каби тўгаракларда қатнашиб, ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар билан турли танловларда ғолиб бўлмоқдалар.

Суратда: Пахтачи туманидаги 22-умумтаълим мактаби зардўзлик тўгараги раҳбари Шаҳло Мардонова ва тўгарак аъзоси Асила Ражабова машғулот пайтида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Dolzarb mavzu

ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ — ДАРС МАЗМУНИДА

айтириш ҳисобланади. Бу ҳолат **"Аҳоли ва инсон омили"** мавзусини ўтишда кенгроқ баён этилса, самарадорлиги ошиши табиий. Жумладан, мажлисда баён этилган 2009 йилда мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилгани, кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилганини алоҳида таъкидламоқ керак.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистоннинг бугунги ютуқларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш орқали эришилгани, биргина маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили 840дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишга эришилганини **"Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тузилиши"** мавзусига сингдириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мазкур мавзуни ўрганишда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётганлиги айтилиб, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқараётганлиги, ҳолбуки, 2000 йили бу кўрсаткич 30 фоизнигина ташкил этгани таъкидланади. Бу биринчи навбатда кичик бизнес билан хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг шарофати эканлиги уқтирилади.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилдаги 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошди, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди.

Мустақиллик йилларида кўплаб корхоналар қурилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. **"Ўзбекистоннинг тармоқлараро мажмуалари"** мавзусини ўрганишда янги қурилаётган йирик корхоналарни алоҳида таъкидлаш ва уларнинг қайси жойларда қурилганлигини мисоллар ёрдамида келтириш эътиборлидир. Жумладан, 2009 йилнинг ўзида нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилганини, ўтган йили "Фарғонаазот" ва "Максам — Чирчиқ" корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Наманган шаҳрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шаҳрида "ДЭУ текстил" тўқимачилик комплекси қурилиши каби лойиҳалар ниҳоясига етказилгани, "Газли" қўшимча компрессор станцияси ишга туширилгани, шунингдек, "Қўнғирот" компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилганини таъкидлаш муҳим.

Электроэнергетика ва транспорт географияси мавзуларини ўтишда бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган "Янги Ангрен-Ўзбекистон" ЛЕП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик "Оҳангарон — Пунгон" магистрал газ қувури, "Ғузор — Сурхон" юқори вольтли электр узатиш линиясини барпо этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши билан мамлакат ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан якунланишини таъкидлаш лозим. Бу, ўз навбатида, Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида аҳолининг газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлаш баробарида электр энергия экспортини оширишга имкон яратгани билан ҳам муҳимлигини уқтириш ўқувчиларда ҳукуматимиз томонидан халқимиз фаровонлигини таъминлашда нечоғлик улкан бунёдкорликлар амалга оширилганини теран англашга ундайди.

Мамлакатнинг ички ва хорижий алоқаларини йўлга қўйишда транспортнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз маърузасида таъкидлаганидек, ўтган 2009 йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакат барча ҳудудларини ўзаро боғлайдиган ва минтақа ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилган.

Қуруқлик транспорти мавзусини ўрганишда ўтган йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилгани, 538 километр йўл ва 19та кўприк капитал таъмирлангани, бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани айтилади. Шунингдек, мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилиб "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5та кўприк фойдаланишга топширилгани, "Навоий — Учқудуқ —Султон Увайстоғ — Нукус" темир йўл линиясининг 6та янги разъезди ишга туширилиб, темир йўлларни электрлаштириш, темир йўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари жадал бошланганини ўқувчиларга етказиш уларда ифтихор туйғуларини кучайтиради.

Яқин келажакда йўловчи ва юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга ошириб, жорий йилда Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича Испаниядан иккита тезюрар поезд келтириб, улар қатновини йўлга қўйиш бўйича расмийлаштириш жараёнлари бошлангани ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оширади.

Ҳаво транспорти ҳақида ўқувчиларга маълумот берилганида 2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилгани, ўтган йил мобайнида "Кореан Эйр" компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330дан ортиқ рейс амалга оширилиб, қарийб 8,5 минг тонна юк ташилганини таъкидлаш жоиз.

Алоқа хизмати ҳақида гапирганда компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон каби коммуникация тизимларини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилади.

Бу йўналишда 2009 йилда 12та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошлангани, замонавий технологиялар базасида "Тошкент — Бухоро" магистрал алоқа линияси кенгайтирилиб, бу линия каналларининг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини беришга эришилганлиги таъкидланади. Шу ўринда "Андижон — Ўш", "Қўнғирот — Бейнов", "Денов — Турсунзода" ва "Термиз — Ҳайратон" йўналишлари бўйича ҳам халқаро алоқа линиялари ишга туширилгани мисол тариқасида келтирилади.

Агросаноат мажмуаси мавзусида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан ирригация йўналишидаги янгиликлардан бохабар қилиш яхши самара беради. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250та дренаж қудуқлар, 15та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

Бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш соҳалари мавзуси ёритилганда мазкур соҳада етакчи мавқега эга бўлган таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ифтихор билан таъкидлаш жоиз.

Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Бу билан бугунги ёшларимиз илм-фан чўққиларини забт этиш билан бирга ҳаётда зарур бўладиган бирор касб-ҳунарни ҳам ўрганиб бораётгани мисоллар билан ифода этилади.

Бинокорлик саноати мавзусини ўтишда ижтимоий соҳа объектлари — умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши билан бир қаторда қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қиладиган янги дастур амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда 2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилингани, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилишида қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишлар бошлангани айтиб ўтилади. Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилгани, уй-жой объектлари қурилиши бўйича 22та намунавий лойиҳа, ижтимоий объектлар қурилиши бўйича 16та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича намунавий режалар ишлаб чиқилиб тасдиқлангани барча ўқувчининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Ташқи иқтисодий алоқалар мавзуси ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Зеро, мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлар билан алоқаси йил сайин кенгайиб бормоқда. Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилдики, бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга кўпайди. Ўқувчиларга бу каби маълумотларни бериш мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалари кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини етказишда қўл келади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий географик районлари ва вилоятлари қисми ўрганилганида Навоий вилоятида амалга оширилаётган улкан ишлар, хусусан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми янада оширилаётганлиги таъкидланиб, аввало, бу ерда бошланган 17та лойиҳани амалга ошириш, айни пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилаётганлигига эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ўқитувчи Юртбошимизнинг юқоридаги маърузаларидан ўқитаётган фани мавзулари доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ёшларимизга кенгроқ етказишга эришса, дарслар мазмуни бойиши қаторида, уларда она Ватанидан фахрланиш ҳисси ортиши аниқ.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
география фанлари номзоди, доцент

☑ ТЕРМЕЗ ТУМАНИДА «ФИЗИКА, ТЕХНИКА, ЭНЕРГЕТИКА» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАР ИЛМИЙ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИДАН АМАЛИЁТГА ЧИҚҚАН 25 НАФАР ТАЛАБА ВА ТУМАНДАГИ 11-МАКТАБНИНГ 8—9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «ЁШ ФИЗИКЛАР» ТЎГАРАГИ АЪЗОЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЧИҚИШЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

Илмий анжуманда Термиз давлат университетининг физика-математика факультети ўқитувчиси, профессор Йўлдош Тўраев, умумпедагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Расул Имомқулов иштирок этди. Анжуманда «ўзга сайёралик» меҳмоннинг физикага оид саволларига ўқувчилар жавоби, физик топишмоқлар ва шеърлар янгради. Энг қизиғи, тайёрланган маърузаларга амалиётчилар раҳбарлик қилиб, ўз илмий салоҳиятларини янада кенгайтирдилар ва амалда синаб кўрдилар.

8-«В» синф ўқувчиси Шоира Шаманованинг «Физика, техника ва энергетика фанларининг ўзаро боғлиқлиги», 9-«А» синф ўқувчиси Шариф Аҳмедовнинг «Ўзбекистоннинг энергетика захиралари», 9-«В» синф ўқувчиси Нигина Дўрмановнинг «Анъанавий ва муқобил энергия манбалари», 9-«А» синф ўқувчиси Зайнаб Муҳаммадиеванинг «Энергетика ва иқтисод», 9-«Б» синф ўқувчиси Мадина Рашидованинг «Ўзбекистонда электро-энергетика тизимида инқирозга қарши чоралар» мавзуларидаги чиқишларида назария ва амалиётнинг уйғун кўриниши тақдим этилди. Яъни, ҳар бир маъруза кадоскоп, компьютерда исботланиб, таҳлил этилди, бу эса жонли мулоқотни юзага келтирди. Амалиётчиларнинг мактаб билан ҳамкорликдаги икки ойлик иш натижалари, ўқув дарс соатлари, очиқ дарс ва кечалари барчада яхши таассурот қолдирди. Айниқса, мактаб ўқитувчилари: Гулбаҳор Муродова, Насиба Набиева, Насиба Назароваларга лаборатория ишларидаги амалий ёрдамлари учун университет маъмурияти томонидан мақтов ва фахрий ёрлиқларининг топширилиши ҳам ижодий ҳамкорликнинг ижобий самарасидир.

Дилбар НОРМУРОДОВА

☑ ЭРТАКЛАР БОЛАЛАРДА ЮРТГА, ОТА-ОНАГА, ДЎСТУ ЁРГА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖУДА ҚУЛАЙ ВОСИТА. ШУ БОИС УЛАР МАКТАБГА ҚАДАМ ҚЎЙГАНИДА ҲАМ ЭРТАК ЎҚИШГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИ СЎНМАСЛИГИГА ЭРИШИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Мактабимизда ана шу мақсадга мувофиқ “Эртаклар — яхшиликка етаклар” мавзусида барча бошланғич синфлари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Унда ҳар бир синф ўқувчилари биттадан эртакни танлаб олиб, саҳна кўриниши тарзида намойиш этдилар. Болаларнинг қаҳрамонлар салбий ва ижобий бўёқдорлигини акс эттириш маҳоратлари барчани ҳайратлантирди. Бундан улар оқ ва қорани, яхши-ёмонни ажрата олишлари яққол сезилиб турди. Айниқса, эндигина 1-синфга қадам қўйган жажжи болажонлар саҳналаштирган “Кенжа ўғил”, 4-“В” синфи томонидан ижро этилган “Айёр тулки” эртаклари кўпчиликка манзур бўлди. Болажонлар танлов якунида ўзлари саҳналаштирган эртаклар ҳақидаги ўз хулосаларини билдирдилар.

Мастура ЁДГОРОВА,
Косонсой туманидаги 24-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

☑ I ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда бўлажак педагог-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, бўлажак она сифатида тиббий саводхонлигини ошириш каби масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тадбирда Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Содиқова, туман ФҲДЁ бўлими мудираси Д.Сулаймонова ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

Тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилишда хотин-қизларнинг роли, никоҳдан ўтувчи ёш оилалар орасида соғлом турмуш қуриш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти, маҳаллаларда ёшларнинг саломатлигини кўрикдан ўтказиб туриш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Бўлажак педагоглар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Умида ИСМОИЛОВА

☑ ФАРЗАНДЛАРИМИЗДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА НИСБАТАН ҲУРМАТ, МЕҲР-МУҲАББАТ ҲИССИНИ УЙҒОТИШДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

Пойтахтимиздаги 3-мактабда ўтган тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги доирасида юқори синф ўқувчилари орасида ташкил этилган «Тарих — буюк мураббий», «Қадимий ва ҳамиша навқирон юрт», шунингдек, «Бахтимиз қомуси», «Сиз ҳуқуқни биласизми?» каби мавзулардаги кеча ва викториналар ёшларда катта таассурот қолдирди. Тадбирларга раҳбарлик қилган Муҳаббат Дўстқобилова, Лола Жўраева, Галина Лутценко ҳамда Нилуфар Қаландарова каби устоз ва мураббийлардан ўқувчилар мамнун.

— Биз қобилиятли, аълочи ўқувчиларимиз билан бир қаторда, маҳоратли, истеъдодли, ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчи-мураббийларимиз билан ҳам фахрланамиз, — дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Барно Турғунова. — Фарзандларимиз камоли, мактабимиз шаънини ҳимоя қилиш устозлар салоҳиятига боғлиқ.

Тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги давомида ўқувчилар пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига саёҳат уюштиришиб, улар фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Дилрабо ҲИКМАТОВА,
Сергели туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси

☑ ЎзДЖТУ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ ДАВРА СУҲБАТИНИНГ МЕҲМОНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ «ЗАРАФШОН» ГАЗЕТАСИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ ФАРМОН ТОШЕВ БЎЛДИ.

Учрашув давомида тақдим этилган «Мен англаган ҳақиқат» ва муаллифнинг ҳаётий тажрибалари, шунингдек, журналистиканинг нозик сирлари жамланган «Мухбирлик сабоқлари» китоблари талабалар ва факультет ўқитувчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Зарафшон» газетаси мисолида вилоят газеталарининг ютуқ ва камчиликлари кўриб чиқилгач, факультет ўқитувчилари Маҳмуд Саъдий, Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Нарзулла Жўраев, Акбар Нурматов ва журналист Воҳид Луқмоннинг миллий журналистикамизни ривожлантириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари, самимий руҳдаги савол-жавоблар тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Камола ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

☑ МАХСУС ТАЪЛИМДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН МУТАХАССИСНИНГ МАҲОРАТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК? БУНИНГ МЕЗОНЛАРИ ЖУДА КЎП, АММО УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ПЕДАГОГ БОРМИ?

Тошкент шаҳар педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида махсус таълим курси тингловчиларининг билим даражаси, савияси, маҳоратини синаб кўришга бағишланган кўрик-танлов ўтказилар экан, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва томошабинлар ҳар бир иштирокчи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди.

Ўз-ўзини таништириш, педагогик мураккаб ҳолатни ҳал этиш, аудиторияни жонлантириш, мусиқали танаффус ва шахсий қизиқиш юзасидан бўлиб ўтган беллашувларда махсус мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган тарбиячиларнинг билимдонлиги, изланувчанлиги, ижодкорлиги намоён бўлди. Ана шундай номинациялар ғолиблигига Ҳамза туманидаги 559-, Юнусобод туманидаги 554-, Чилонзор туманидаги 246-махсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари С.Чернишева, О.Кошмагамбетова, Е.Самохвалова муносиб деб топилди ва рағбатлантирилди.

Институтнинг «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим» кафедраси томонидан уюштирилган ушбу ўзига хос кўрик-танлов ташкилотчиси Э.Мухаметбоева таъкидлайдики, бундай тадбирлар хоҳ катта, хоҳ кичик доирада бўлсин, тарбиячи ва педагоглар орасида ижодий рақобат муҳитини юзага келтиради.

З.ФАЙЗИЕВА,
институт доценти

☑ КАТТА БЎЛСАНГ, КИМ БЎЛМОҚЧИСАН?

Ёшликда катталарнинг берган бу саволига кимдир учувчи, шифокор, яна кимдир опаси, акаси каби муаллима бўлишини айтади. Болаликдаги бу каби орзулар эса улғайиб, мактабни битирганда бошқа ниятларга туташиб кетади.

Ўқувчи-ёшларни маълум бир касбга йўналтириш наинки устоз, балки ота-оналардан ҳам катта масъулият талаб қилинади. Баъзида ота-оналарнинг фарзандини лаёқатига қараб эмас, касбларнинг нуфузига учиб йўналтириши уларнинг катта ҳаётга қадам қўйишида қийинчиликлар туғдиради.

Қувонарлиси, бугун мактабларда ўқувчиларнинг психологик-ташхис тест дафтарчаларининг жорий этилиши юқоридаги муаммоларнинг олдини олмоқда.

Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида «Касбим — фахрим» мавзусида ўтказилган касб борасидаги танловда ҳам ўқувчилар бир тўхтамга келишди.

Пойтахтимиздаги Дўмбиробод маиший хизмат коллежи, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Калонов номидаги компьютер технологиялари коллежи, Яккасарой енгил саноат коллежи, республика эстрада-цирк коллежи, дизайн коллежларидан келган бир қатор вакиллар ўзларининг муассасалари ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга намойиш қилишди.

Хусусан, Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи Ўзбекистон ва Германия қўшма лойиҳаси бўйича 8та йўналишда мутахассисларни тайёрлайди. Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти, компьютер тармоқларини ва офис жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш, мултимедиа тизимлари ва компьютер графикаси йўналишларида таълим олаётган ўқувчилар дарсларни Корея, Германия ҳамда Хамдўстлик мамлакатларининг ўқув тизимлари асосида ўтишади.

Ҳулкар ФАРМОН қизи

☑ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 106-МАКТАБДА ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ, АДАБИЁТШУНОС БАХТИЁР НАЗАРОВ, МУЯССАР МАҲМУДОВА, «ДЕГРЕЗ» МАҲАЛЛАСИ ФАОЛЛАРИ, ОТА-ОНАЛАРДАН ВАКИЛЛАР ВА ЎҚИТУВЧИЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Семинар иштирокчилари Шоҳиста Йўлдошева, Малика Расулова ва Марғуба Исомиддиноваларнинг турли мавзудаги очиқ дарсларини кузатишди.

— Олий тоифали ўқитувчи М.Исомиддиновaнинг «Ўткан кунлар» романида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг улуғланиши» мавзусидаги дарсида ўқувчилар «Маърифат», «Маънавият», «Истеъдод», «Ҳақиқат» гуруҳларига бўлиниб, баҳс-мунозара ўтказишди, — дейди услубчи М.Маҳмудова. — «Тўрт ҳайрат машқи», «Ҳамкорлик квадрати», «Мен актёрман», «Электрон тест» каби интерфаол усуллар дарсни янада бойитди.

Х.ТОШТЕМИРОВА,
Юнусобод туманидаги 250-мактаб ўқитувчиси



☑ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 9-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФАН ОЙЛИГИ ҚИЗҒИН РУҲДА ЎТИБ, УЛКАН ТААССУРОТЛАР БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Ойлик бошида услубий бирлашма раҳбари Г.Низохунова ва С.Азимова раҳбарлигида “Болалар ҳуқуқлари конвенцияси ва болаларга дўстона муносабат муҳити” мавзусида ўқитувчилар ўртасида семинар бўлиб ўтди. Кириш тестлари ва ойлик сўнгида олинган чиқиш тестлари натижаларига кўра эса фан ойлиги бесамар ўтмаганлиги аниқ бўлди. Шунингдек, тарих фани ўқитувчилари раҳбарлигида 5—9-синф ўқувчилари Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат уюштиришди.

Анъанавий равишда ҳар бир фан ойлигида ўтказиб келинаётган “Энг яхши деворий газета”, “Энг яхши буклет”, “Энг яхши макет”, “Энг яхши расм” каби кўрик-танловлар ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди.

Фан ўқитувчилари томонидан интерфаол методлар асосида очиқ дарслар олиб борилгани, 5—9-синф ўқувчилари билан туман Ахборот-ресурс марказига саёҳат уюштирилгани, ўқитувчилар С.Бурҳонова ва Л.Аҳмаджонова томонидан ташкиллаштирилган “Баркамол авлод йили”га бағишланган тарбиявий соат, “Заковат” тўгараги аъзолари томонидан “Қувноқлар ва зукколар”, “Ёш тарихчилар” тўгарагининг “Аждодлар меросини ўрганамиз” мавзусида ўтказилган қатор тадбирлари ҳам ойликнинг сермазмун ўтишини таъминлади.

Ойлик ниҳоясида ҳисобот эълон қилиниб, фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантирилди.

Райҳона ХЎЖАЕВА

Yakka holda nul hech qanday ma'noni anglatmaydi. Lekin boshqa raqamlar yonida u sonning miqdorini o'zgartiradi.

MATEMATIKA SIRLARGA BOY

Xalq ta'limi vazirligining "Umumta'lim maktablarida fan oyliklarini o'tkazishni takomillashtirish to'g'risida"gi buyrug'iga asosan respublikamiz umumta'lim muassasalarida fevral oyida matematika va informatika fanlari oyligi o'tkazilishi mo'ljallangan. Bunda ayni muddat davomida o'quvchilarning ushbu fanlarni o'zlashtirishiga doir qiziqishlari qo'shimcha tadbirlar asosida yanada faol qo'llab-quvvatlanadi.

Oylikni o'tkazishda maxsus ajratilgan joyga matematika oyligini o'tkazish haqidagi reja chiroyli bezatib osiladi. Devoriy gazeta chiqarilib, unda "Matematika fani oyligi" ish rejasi aks ettiriladi. Matematika xonasi zamon talabi asosida jihozlanadi. Oylikni o'tkazish bo'yicha bajariladigan ishlar tadbiri tuziladi. Tarqatma materiallar, plakatlar, matematika darslarida qo'llaniladigan ilg'or pedagogik texnologiyalarni aks ettiruvchi ko'rgazmali qurollar va krossvordlar ham oylikni mazmunli o'tkazishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi. Oylikning ilk kunlarida o'quvchilarning DTS talablariga muvofiq bilim, ko'nikma va malakalari monitoringi o'tkaziladi. Xuddi shuningdek, oylik oxirida ham o'tkazilgan tadbirlar samarasini aniqlash maqsadida o'quvchilar bilim va malakalari qaytadan monitoring qilinadi.

Darsdan tashqari mashg'ulotlarga ota-onalar qo'mitasi vakillarini jalb qilish maqsadga muvofiqdir. Oylik natijalariga ko'ra o'quvchilar va sinflarni o'zlashtirishiga qarab, viloyat va tuman xalq ta'limi bo'limi xodimlari bilan hamkorlikda qimmatbaho sovg'alar bilan mukofotlash va taqdirlash mumkin.

Tadbirlarga namunaviy tavsiyalar:

— to'garak mashg'ulotlari ishini ko'rsatish maqsadida musobaqalar o'tkazish;

— matematika to'garagi a'zolarining o'zlari o'ylab topgan yoki yechgan misol-masalasi haqida ma'lumot to'plash;

— ko'rgazmali qurollar yasash, modellashtirish;

— matematikaga oid eng yaxshi krossvord tanlovini o'tkazish;

— matbuotda eng yaxshi matematika o'qituvchilarining ish tajribalarini, o'tkazilgan tadbirlarni keng yoritish;

— matematik olimlar, tuman, shahar, viloyat va respublikadagi eng yaxshi o'qituvchilar bilan uchrashuvlar uyushtirish;

— darsliklar, o'quv qo'llanmalari, sinfdan tashqari tadbirlar, testlar, eng yaxshi daftarlar ko'rgazmalarini tashkil etish;

— matematik kechalar, tanlovlar, ochiq darslar, seminar-treninglar o'tkazish;

— internet ma'lumotlaridan oylik mobaynida keng foydalanish tavsiya etiladi.

QIZIQARLI MATEMATIKA

"Nul" haqida radioeshittirish

Odamlar olov bilan o'ynashma, desalar, matematiklar nul bilan hazillashma, deydilar. "Nul" nima? Bu belgi Yevropaga o'rta asrlarda Sharqdan kirib borgan. Nulning keng miqyosda amaliyotga kiritilishi, hozirda foydalanilayotgan arab raqamlari sanoq tizimining ishlab chiqilishida buyuk bobomiz Al-Xorazmiyning hissasi katta. Yakka holda nul hech qanday ma'noni anglatmaydi. Lekin boshqa raqamlar yonida u sonning miqdorini o'zgartiradi.

Vertikal burchaklar haqida

Nima uchun burchaklar vertikal deb nomlanadi? Vertikallik pastga qarab tik yo'nalish emasmi? Qanday qilib burchaklarni vertikal deb atash mumkin?

Gap shundaki, "vertikalis" lotincha so'z bo'lib, "vertek" "cho'qqi" ma'nosini bildiradi. **"Vertikal"** ikki xil "tiklik" va "cho'qqili" ma'nolarini anglatadi. N.I.Lobachevskiy asarlarida **Vertikal burchaklar** "cho'qqili" burchaklar deb atalgan.

Pifagor teoremasining yordami

Bu lavha real izquvarlar hayotidan olingan. Izquvar o'g'rilik haqida ma'lumotni olib, u sodir etilgan joyga keldi. Jabrlanuvchi jinoyatchining xonaga derazadan kirganligini aytdi. Deraza tokchasi yerdan 124 sm. balandlikda bo'lib, yer sirti bino devoridan 189 sm. masofada o't-o'lan bilan qoplangan edi. Ularda hech qanday iz yo'q. Jinoyatchi derazadan xonaga kirish uchun qanday qilib tokcha bilan o't-o'lan orasidagi masofadan o'tganligini aniqlash zarurati tug'ildi. Bu Pifagor teoremasiga ko'ra hisoblab ko'rildi:

$$x=\sqrt{124^2+180}=\sqrt{47776}\approx 219sm.$$

Bunday masofadan o'tish uchun narvon yoki shu kabi biror vositadan foydalanish kerak bo'ladi, lekin bunday narsalar u joyda topilmadi. Bu holatni hisobga olib, izquvar o'g'irlik atayin uyushtirilganligini sezdi. Bunga geometriya fani yordam berdi.

Geometriya yordam qildi. XIX asr oxirida shunday muhandislik muammosi yuzaga keldi. Sanoatning ko'p sohalarida juda katta inshootlarning fotorasmlarini tayyorlash zarurati tug'ildi. Avval fotokameralarning o'lchamlarini kattalashtirish harakati boshlandi. Masalan, AQShdagi zavodlarda 1899-yilda temir yo'l vagonlarining suratini olish uchun kamera qurildi. Uning hajmi 2,5 x 3m., og'irligi esa 635 kg. bo'lib, 15 kishi xizmat qilar, maxsus vagonlarda ular suratga olish joyiga olib kelinardi. Fotoapparatning bunday bahaybatligi uni ishlatishda noqulaylik tug'dirardi. Shuning uchun keyinchalik, muhandislar sodda fotokattalashtiruvchi qurilmani yaratdilar. Uning ishlash prinsipi elementar geometriyaning gomotetiya almashtirishlariga asoslangan. Shunday qilib, geometriya bunday texnik muammoni hal qilishga yordam berdi.

Ko'tarma kranlarning o'qi, yuqori voltli elektr tarmoqlarining minoralari, temir yo'l ko'priklari va boshqa inshootlarda uchburchaklardan foydalanilgan.

Yuqoridagi hodisa, faktik ma'lumotlardan matematika, geometriya darslarida foydalanishni tavsiya etamizki, bundan ko'zlangan maqsad yagona — o'quvchilarning ushbu fandan bilim samaradorligi keskin oshsin, hattoki bu fanga u darajada qiziqmaydigan farzandlarimiz ham darslarda faol bo'lishsin.

RTM ANIQ FANLAR BO'LIMI

Tavsiya

Yilning eng yaxshi maktabi—2009

РАҒБАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Умумтаълим мактаблари орасидан ижодий фаолият кўрсатаётган намунали педагогик жамоани аниқлаш, уларнинг янгича иш тажрибаларини оммалаштириш, ижодий ташаббускорлиги ҳамда изланишларини эътироф этиш, таълим маскани моддий-техника ишларини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жамоатчилик, ота-оналар, тадбиркорлар, давлат, нодавлат ташкилотларининг диққат-эътиборини янада кенгроқ жалб қилишда «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танлови катта аҳамият касб этмоқда. Танловнинг Наманган вилояти босқичида Янгиқўрғон тумани Кукёр қишлоғида жойлашган 34-умумий ўрта таълим мактаби педагогик жамоаси ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди.

2005 йилда «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» доирасида 44,3 миллион сўмлик маблағ асосида қайта таъмирланган ушбу мактабда бугунги кунда 767 нафар ўқувчи замонавий шароитларда таҳсил олади ва уларга 55 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда.

Кейинги йилларда мазкур таълим муассасасининг ташаббуси билан ўтказилган республика танловларида ўқувчиларимиз 20 дан ортиқ ғолиблик ва совриндорлик ўринларини қўлга киритишди. Ўтган ўқув йилида эса 9-синф ўқувчиси Ғайратжон Ғаниев Наманган вилояти босқичида ўтказилган олимпиадада биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғайратжон ҳозирда Республика ихтисослаштирилган математика мактабида таҳсил олмоқда.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган одимлари анча салмоқлидир. Мактабнинг қайси йўналишига назар солманг, қатор янгиликларнинг гувоҳи бўласиз. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш, бюджетдан ташқари маблағ топиш, ўқувчилар билимидаги ўсиш, фан олимпиадалари ёки спорт мусобақаларидаги ютуқлар, ўқувчилар билим ва салоҳиятини такомиллаштириш, уларнинг давр билан ҳамоҳанг тарзда фаолият юритишини таъминлаш юзасидан йўлга қўйилган тажрибаларни кўриб, жамоанинг танловдаги ютуқлари бежиз эмаслигига амин бўласиз.

Мактаб 2008 йилда «Осиё тараққиёт банки» грантини олишга муваффақ бўлди. Ҳозирда ўқувчилар ДТС асосида Осиё тараққиёт банки гранти асосида келтирилган замонавий компьютер синфи, ўқувчиларнинг касб-ҳунар сирларини чуқур эгаллашларига хизмат қилаётган меҳнат таълими хонаси жиҳозлари (мотопила, электроранда, электродрель) ҳамда умуммиллий дастур асосида берилган 10 дона «SERVER» компьютеридан унумли фойдаланмоқда. Мактабда, шунингдек, интернет тармоғи ҳам ишлаб турибди.

Мактаб ўқувчилари бўш вақтларини 19та тўгаракда ўтказишади. Шундан 8таси спорт, қолганлари эса фан тўгараклари бўлиб, уларга барча ўқувчи жалб қилинган.

— Мактабимизда спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Аҳроржон Дадамирзаев. — Спорт залида «Осиё тараққиёт банки» грантидан олинган спорт тренажёрлари ва буюмлари мавжуд. Улардан ўқувчиларимиз самарали фойдаланмоқда. Натижада, вилоят таэквандо спорт мусобақасида 3 нафар ўқувчимиз ғолиб бўлиб, олтин ва кумуш медаль соҳиби бўлди.

Ўқув йилининг аввалги ва ҳозирги чораклари ўқувчилар ўзлаштиришидаги сифат самарадорлиги фоизи юқори бўлмоқда. Ўтган йили мактабнинг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларнинг барчаси ҳозир академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишмоқда. Мактабимиз ўқувчиларининг икки нафари бу йилги фан олимпиадаларининг вилоят босқичида она тили ва адабиёт ҳамда чизмачилик фани бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлдилар.

Булардан ташқари, мактабда бюджетдан ташқари маблағ топишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мактабнинг 3,2 гектар ер майдонига турли хил мевали дарахт кўчатлари экилган бўлиб, улардан йилига 1—1,5 миллион сўм атрофида даромад олинмоқда. Ўз навбатида бу маблағлар таълим сифатини оширишга сарфланаяпти. Хусусан, аъло баҳоларга ўқиётган, жамоат ишларида фаол ўқувчилар ҳар чорак якунида мукофот билан рағбатлантирилади. Ҳар йили 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» арафасида топилаётган қўшимча даромаддан мактаб педагогик ва техник ходимлари ҳам рағбатлантирилади.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири

МАЪНАВИЙ ЕТУК ЁШЛАР — ОРЗУИМИЗ

Таълим масканлари, маҳалла ва оилаларимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, онгу-шуурида руҳий поклик, маънавий уйғоқлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини, самарали ва таъсирчан ташкил этишга эътибор қаратиш айни кун учун долзарбдир.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилган. Ёшларнинг маънавий оламини асраш ва мустаҳкамлаш, бойитиш, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ташқи ва ички ғоялар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишнинг муҳим йўллари теран таҳлил этилган.

Барча таълим муассасаларида бўлгани каби Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳам маънавий-маърифий ишларни ушбу асар асосида самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалла ҳамда оиланинг роли ва ўрни беқиёсдир. Бунинг сабаби – маҳалла чинакам миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Маҳаллаларда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри, маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларни

Ta'kid

адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода талабалар қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш бўйича изланишлар олиб борилаяпти.

Чунончи, ҳар бир инсоннинг қалби ва руҳият оламини безайдиган, мустақил фикрлашга ва мулоҳаза қилишга ундайдиган асарни ўрганишда бошқа давлатлардаги талотўпларни юртимиздаги осойишталик ва берилаётган имкониятлар билан таққослаш ўринли бўлади. Шунда ёшлар мамлакатимизда ёш авлод учун яратилаётган имкониятларнинг қадрига етишни ўрганадилар. Шунингдек, машғулотларда талабаларга юртимизда келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи кун тартибига бежиз қўйилмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш, айниқса, зарур.

Бир сўз билан айтганда, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари халқимизнинг руҳан покланишида, ёшларнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодли қилишда муҳим аҳамият касб этади, маънавият ҳақидаги тасаввурларини бойитади, уларни маънавий камолот сари интилишга даъват этади ва келажакка элтувчи йўлларни кўрсатиб беради.

Бахтиёр МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат техника университети профессори

2010-yil — Barkamol avlod yili

Тенгдош ибрати таъсирли

Тошкент Молия институти Кредит-иқтисод факультетида иқтидорли талабалар томонидан ташкил этилган "Тақдимотлар форуми" бўлиб ўтди.

"Баркамол авлод йили" муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда республика ва халқаро миқёсда ўтказилган турли танлов ва грантлар соҳибларининг совриндорлари бўлиб, жами ғолиблар сони бўйича республика олий ўқув юртлари ичида 1-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, факультет талабалари Paynet компаниясининг "Ғоялар генератори" танловида ҳам фаол иштирок этиб, 2-босқич талабаси Дилноза Маҳкамова 1-ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Молия институтининг чет эл молия ташкилотлари (олий таълим муассасалари) билан ўрнатган халқаро алоқалари ҳам бугун ушбу факультетнинг кўплаб талаба-ёшлари учун катта имконият эшигини очмоқда.

— Мен Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси томонидан эълон қилинган танловда 10дан ортиқ илмий ва ижтимоий руҳдаги мақолалар, мактабгача бўлган муассасалар учун яратган "Рақам ва ранглар сири" номли тўплам ҳамда ёшларбоп лойиҳаларим билан иштирок этиб, "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" дастури бўйича ғолиб бўлганман, — дейди Кредит-иқтисод факультетининг 4-босқич талабаси Ситора Шомаҳмудова. – Форумда қуйи босқич талабаларини ушбу танлов шартлари ва имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида жамғарма фаолияти ҳақида тақдимот тайёрладим. Бу уларнинг келгуси интилишларида янги имкониятлар эшигини очса, максадимга эришган бўламан.

— Факультетимизда иқтидорли талабалар билан ишлаш режа асосида олиб борилади, — дейди О.Сатторов. — Бу борада кафедраларда, "Пул-кредит муносабатлари", "Банкларда бухгалтерия", "Ёш географ" ва "Ёш социолог" номли илмий тўгараклар ҳамда бевосита иқтидорли талабалар ташаббускорлигида тил ўрганиш (инглиз ва корейс тиллари бўйича) клублари ташкил этилган. Ҳозирда умумий талабаларнинг 30 фоизи ушбу тўгаракларда ўз билимларини оширмоқда.

Зебо НАМОЗОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Янги ихтиролар остонаси

Техник ижодиётни, техник йўналишдаги тўгараклар фаолиятини ривожлантиришда Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказининг ҳиссаси катта. Бугунги кунда марказ шаҳардаги 11та умумтаълим мактаби, 1та мехрибонлик уйи, 6та маҳалла ва 3та МТМ билан ҳамкорлик шартномалари тузиб, болалар учун 146та тўгарак ташкил қилган.

Марказнинг асосий ютуқларидан бири, бу ерда сўнгги йилларда йўқ бўлиб бораётган «Автомоделизм», «Авиамоделизм», «Судомоделизм» каби техник йўналишлар қайта тикланди. Айни пайтда шу йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилиб, режа асосида республика Таълим маркази ҳамда А.Авлоний номидаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти билан ҳамкорликда семинар ва ўқувлар ташкил этилган.

Туман техник марказларида узоқ йиллар фаолият кўрсатаётган малакали педагогларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда марказлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида «Бошланғич техник моделлаштириш йўналишидаги янгиликлар, ихтиролар», «Информатика тўгарагида фотошоп», «Бошланғич синфларда тўгарак ишлари» мавзуларида ўқув семинарлари ўтказилди.

«Сеҳрли ёғду», «Ижодкор ихтирочи болалар», «Варраклар» кўрик-танловлари ҳам мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Шаҳар босқичи ғолиблари республика кўрик-танловларида ҳам фахрли ўринларни эгалламоқда.

Педагог ходимларнинг ижодий ишларини намойиш қилиш, ўзаро фикр алмашиш мақсадида «Ижодий ишлар кўргазмаси» ўтказиб турилади.

Maktabdan tashqari ta'lim

Ижодий ишларни янада ривожлантириш, тўгарак раҳбарларига услубий кўмак бериш мақсадида ўқув йили давомида бир қанча тўпламлар нашр этилди ва тарқатилди. Жумладан, «Тестлар тўплами», «Техник йўналишдаги тўгараклар учун ўқув дастурлари», «Судомоделизм» («Кемасозлик»), «Маънавий-маърифий мавзуларда давра суҳбатлари учун матнлар тўплами», «Ўзбекистонда автомобиль спортини ривожлантириш», «Ўзиюрар электр-моделларни ясаш бўйича қўлланма»лар яратилди.

Келажакда шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти Маркази техник йўналишдаги тўгараклар сонини кўпайтириш, савиясини ошириш ва шу орқали ўқувчиларнинг ихтирочилик қобилиятларини ўстиришни мақсад қилган.

Махфират ҚУРБОНОВА

Ҳам билим, ҳам касб-ҳунар

Айни пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида зукко, баркамол авлодни вояга етказиш, замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш масаласига долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Чунончи, Кармана туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳам бу масалага жиддий ёндашилаётир. Асосийси, бу ерда ёшлар таълим-тарбиясини, касбий тайёргарлигини юксалтириш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Барча қулайликларга эга бўлган таълим муассасасида бугунги кунда 9та йўналиш бўйича минг нафардан зиёд ўқувчилар кенг, ёруғ, компьютерлаштирилган хоналарда таҳсил олиб, касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Жараёнда 450 ўринли фаоллар зали, 120 ўринли ўқув зали, 8200дан ортиқ турли хилдаги китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, ошхона, замонавий русумдаги компьютер хоналари, 6та мультимедиали ва шахсий компьютер қурилмалари, лингафон синфлари, кадоскоп ва кўплаб техник воситалардан ўқув жараёнида самарали фойдаланиляпти. Педагоглардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи М.Исломова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М.Эгамова ўқувчиларнинг ҳам билим, ҳам касб-ҳунар эгаллашида фидойилик кўрсатишяпти.

Асосийси, касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг тўгаракларда мунтазам шуғулланиши қатъий назоратга олинган. Ўқувчилар «Заковат», «Зинама-зина», «Касб — менинг тасаввуримда», «Билимлар пиллапояси» билимдонлар клубида, 8та касбий, 12та фан ва 7 та спорт тўгаракларида шуғулланиб, дарсдан бўш пайтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда, турли хил кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир. Масалан, ўтган ўқув йилида фаол ўқувчи-ёшлардан Д.Ҳасанова «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринни қўлга киритган бўлса, Б.Самадов касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилган «Касб маҳорати» республика танловида 3-ўринни эгаллади.

Kollejlar hayotidan

Энг муҳими, касб-ҳунар коллежида битирувчиларни мутахассисликлари бўйича сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан фойдаланишнинг 2006—2010 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган ва у босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Дастур ижроси давомида Навоий ГРЭС, «Навоийазот», Кармана оҳак ишлаб чиқариш корхонаси, Кармана-Конимех ирригация тизими, «Жалойир» фермерлар уюшмаси, Хатирчи туманидаги «Зарафшон» ва Навбаҳор туманидаги «Маданият» фермерлар уюшмаси ҳамда тумандаги кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиняпти.

Маърифат ШАРИПОВА
Навоий вилояти.

ЎҚУВЧИНИ АНГЛАШ

Бир болага етти қўшни ота-она. Бугунга келиб, гавжум ва сершовқин пойтахтимизнинг кўп қаватли уйларида истиқомат қилаётганлар учун бу мақол муболаға бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ, мақоллар ҳаётдан олинади.

Dolzarb mavzu

мактаб синф раҳбарлари мунозараси шу мавзуга бағишланди

Маълумки, Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 26 февралдаги қарори асосида «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси ишлаб чиқилган. Республикамиздаги бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Жамоатчилик маслаҳат кенгаши» тузилиб, жойларда тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил, бекорчи болалар билан ишлашга, уларнинг ахлоқий тарбиясига янада кўпроқ эътибор қаратила бошланди.

Оила, мактаб ва маҳалла. Болаларнинг вақти, асосан мана шу уч масканда ўтади. Баркамол авлод, миллат келажаги мана шу уч маскан бағрида вояга етади. «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясининг қандай самара бераётганини Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактаби мисолида кўриш мумкин.

— Болалар бир хил эмас. Кимдадир мустақил интилиб, ўз камчиликларини тўғирлаш хусусияти бўлади. Кимнингдир қобилиятлари эса доимий назорат остида юзага чиқиши мумкин, — дейди 2-«А» синф раҳбари Нодира Неъматуллаева. — Ўқитувчилик — дастгоҳ олдида ишлаш эмас. Истаган пайтда ўчириб-ёқишнинг иложи йўқ. Инсонни тарбиялар экан, у ўз устида доимий равишда ишлаши, камчиликларга йўл қўймаслиги шарт. Бу жараёнда ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорлик қилиш жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч нарса, ҳатто ўқувчи олган «2» баҳо ҳам ўқитувчини бефарқ қолдирмаслиги лозим. Ота-она боланинг мактабдаги ҳаётидан, ўқитувчи эса оиладаги хатти-ҳаракатларидан бир-бирини хабардор қилиб турсагина, ўзига хос «узлуксиз тарбия тизими»ни яратиш мумкин. Ўқувчиларнинг иқтидори, қизиқишларининг тўла намоён бўлиши учун мактабнинг оила ва маҳалла билан ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биз болалар билан куннинг биринчи ярмида ишлаймиз, холос.

«Чилонзор», «Катта Чилонзор» маҳаллалари ва 162-мактабни ҳамкорлик эмас, чинакам дўстлик ришталари боғлаб туриши бизни жуда қувонтирди.

— Қандай қилиб мактаб фаолиятини маҳалласиз тасаввур қилиш мумкин? Жиноят кўчасига кириб қолган, оилавий шароити оғир бўлган ва ҳатто дарсларга кеч қолаётган ўқувчилар билан ишлашда энг яқин ёрдамчимиз — маҳалла, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Доно Мирхожаева. — 2008 йилда мактабимиз ўқувчиларидан 17 нафари туман ИИБ рўйхатида турган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 2 нафарни ташкил этмоқда. Маҳалламиз фаолларининг болалар тақдирига бефарқ қарамагани, ўз ишига фидойилик билан ёндаша олгани — энг катта ютуғимиздир.

Мактабда ташкил этиладиган ҳеч қайси спорт мусобақаси ёки учрашув маҳалла вакилининг иштирокисиз ўтмайди. 2009 йилда мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорликда иш олиб бориши самараси ўлароқ, ўқувчиларнинг пиротехника воситаларидан ва дарс вақтида мобиль телефондан фойдаланиши ҳолатлари умуман кузатилмади. Бунда маҳалла фаоллари, ИИБ ходимлари билан ўтказилган учрашувларнинг самараси аниқ намоён бўлди.

«Баркамол авлод йили»да 162-мактаб маҳалла билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигини ўтказиш, ўқувчи қизлар орасида туман оилавий шифохона гинекологи билан «Балоғат даври» мавзусидаги даврa суҳбатини уюштириш, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ҳамда гиёҳвандлик, диний экстремизм, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ИИБ ходимлари билан учрашувлар ташкил этиш каби тадбирлар режасини амалиётга изчил татбиқ этиб келмоқда.

Висола ҚАРШИБОЕВА

«КУНДАЛИК ДАФТАР»ДАГИ БАҲО

ўқитувчи — ота-она — маҳалла эътиборидан тушмасин

Seminar

Синф раҳбари — таълим тизимида етакчи кучлардан бири. Ўқувчининг дарди, қувончи, ташвиши ва фикрини энг аввал англайдиган шахс, албатта, синф раҳбаридир. Баъзан ўқувчи ота-онасига, яқинларига айтолмаган ташвишларини энг яхши кўрган муаллимига айтади, маслаҳатлашади.

Шундай синф раҳбарлари борки, ўқувчининг ҳар қандай ташвиши, муаммосини ўз дардидек қабул қилади. Унинг жўяли маслаҳати, ўз вақтида қилган насиҳати аросатда қолган болани тўғри йўлга солади. Қадрдон муаллимидан, жонкуяр синф раҳбаридан бир умр миннатдор бўлиб юрадиган инсонлар ҳаётда кўплаб топилади.

Бўз тумани халқ таълими бўлими раҳбариятининг ўз тасарруфидаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган синф раҳбарлари билан ўтказган ижодий семинари синф раҳбарларининг айни дилидаги иш бўлди. Туман ҳокимлигининг мажлислар залига тўпланган 433 нафар синф раҳбари ўқувчи дунёқарашини шакллантириш, мактабдан ташқари ишларни ривожлантириш, ота-оналар билан ишлаш, ўқувчининг дарсдан кейинги вақтини самарали ўтказиш каби долзарб масалалар борасида фикрлашиб олдилар.

— Синф раҳбари фаолиятидаги ижодкорлик, энг аввало, ўқувчи маънавиятини юксалтириш билан унинг баркамоллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Фахриддин Кўзиев. — Шу боис тумандаги барча синф раҳбарлари ишини давр талаби даражасида ташкил этиш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш, илғор, тажрибали синф раҳбарларининг ишини оммалаштириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ушбу шундай ижодий йиғин ташкил этилди. Ўйлайманки, бунинг самараси тез орада кўринади.

Бу мулоқот — йиғиндан олдин тумандаги ҳар бир синф раҳбарининг фаолияти, меҳнати, ижодкорлиги таҳлил қилиниб, 29та мактабнинг ҳар биридан энг фаол, ижодкор, тиришқоқ синф раҳбарлари танланди. Илғорлар тажрибалари ҳақида кўргазмалар, ибратли ишлар фотолавҳалари тайёрланди. 29 нафар фидойи синф раҳбарининг директор жамғармаси ҳисобидан моддий рағбатлантирилиши ва туман ХТБнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланиши кўпчиликда ҳавас уйғотди.

— Бугунги ўқувчи шу қадар кўп ахборотлар орасида яшамоқдаки, энди унга эскича муносабат билан таъсир ўтказиб бўлмайди, — дейди туман ХТБ назоратчиси Лилия Хўжамова. – Уяли телефон, компьютер, турли-туман кинофильмлар ўқувчи дунёқарашини шиддат билан ўзгартираяпти. Баъзи ўқувчиларнинг мактабдан кўра кўпроқ шундай масканларда бўлаётгани, дарс иккинчи даражали вазифа бўлиб қолаётгани ҳам сир эмас. Бундай шароитда, аввало, синф раҳбари ҳушёрликни оширмоғи керак.

Бундан беш йиллар илгари бўзликлар яхши бир ташаббус билан чиққан эдилар. Яъни, ҳар бир ўқувчи ҳақида “Кузатув дафтари” юритиш таклифи ва бунинг амалдаги ижроси ҳозиргача кўплаб ижобий натижаларга сабаб бўлганди.

Ташаббуснинг қисқача мазмуни шундай: бола мактабнинг 1-синфига ўқишга келди. Шу кундан бошлаб ҳар бир бола учун “Кузатув дафтари” тутилади ва ундаги ўзгаришлар, қизиқишлари, дарс ўзлаштириши тўғрисидаги кузатувлар синф раҳбари томонидан мунтазам ёзиб борилади. Қарабсизки, йил давомида ўқувчининг энг асосий фазилатлари, қусурлари, ютуқлари дафтардан жой олади. Бундай ҳолат 9 йил давомида олиб борилса, мактабни битираётган ўқувчи ҳақида тўлиқ маълумот тайёр бўлади.

Синф раҳбарлари йиғинида иштирокчилар зиммаларидаги вазифаларини қандай бажараётганликларини таҳлил этиш билан бирга, келгусидаги муҳим режаларни ҳам белгилаб олдилар. Унга кўра, ҳар бир мактабда “Синф раҳбарлари шўъбаси” ташкил этилади. Мазкур шўъба ҳар ойда ўз йиғинини ўтказади ва айтилган вазифа, муаммоларни ҳал этишга мактаб директори масъул бўлади.

Бўзлик синф раҳбарлари янги Баркамол авлод йилини яхши ният билан бошладилар. Ўйлаймизки, қутлуғ ният, сидқидилдан ҳаракат, албатта, ўз самарасини беради.

Орифжон СИДДИҚОВ
Андижон вилояти.

ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

Маҳалла—инсониятни эзгулик йўлида жипслаштирувчи катта тарбия ўчоғи. Унда халқимизнинг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи миллий анъаналари ривожланади. Маҳалланинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у бой маънавий қадриятларимизни авлоддан-авлодга етиб боришини таъминловчи маскан ҳамдир. Маънавий меросимиз ана шу масканда асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келмоқда.

Юртимизнинг байрамлари, турли тўй-маъракалар, албатта, маҳалланинг маслаҳати билан амалга оширилади. Бевосита маҳалланинг аралашуви билан тўй-маъракаларни ихчам, камхарж қилиб ўтказишга эришилаётганлиги, исрофгарчиликларнинг олди олинаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, меҳрга муҳтож болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек эзгу ишлар бошида ҳам маҳалла ва унинг фаоллари турганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Маҳалла фақатгина урф-одатларни тарғиб қилибгина қолмай, унинг аҳамиятини ёш авлод онгига сингдирадиган тарбия маскани ҳамдир. Бу борада кўпгина маҳалла фаолларининг илм масканларида ташкил этилган тадбирларда иштирок этиши, фаол ўқувчи-талабаларни тақдирлаши маҳалла фаолиятининг кенг қамровлилигидан дарак беради. “Маҳалланг—ота-онанг”, деган пурҳикмат иборада тарбия ўчоғининг моҳияти, унинг одоб-ахлоқ борасида тутган ўрни ифодаланган. Таълим муассасалари ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик ёшлар таълим-тарбиясини юксалтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Дилдора РАҲИМОВА,
ЎзДЖТУ ўқитувчиси

Ma’rifat
2010-yil 3-fevral

Қўлда ҳунар, кўнгилда Ватан меҳри

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолиятнинг самарали ташкил этилиши ўқувчиларнинг фанларга қизиқиши, маълум касб-ҳунарни ўрганишга иштиёқини шакллантиришида муҳим ўрин тутади.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Ўқувчилар ижодиёт маркази услубшуноси Орзигул Ражабова ташкил этган машғулотни кузатар экан мизи, ўқувчиларнинг қўллари ишда, ҳунар ўрганиш билан банд, айни пайтда маънавий тарбия сабоқларини олаётганлари, билимларини чархлаб, дунёқарашларини кенгайтиришлари, ўзларидаги янги-янги истеъдодларини намоён этаётганларининг гувоҳи бўлдик. Эътиборли жиҳати, ҳар ҳафтада бир кун «Миллий қадриятларга асосланган машғулотлар куни” аталиб, асосий эътибор шу каби масалаларга қаратилади.

Машғулот ишланмаси:

Машғулотларнинг ноанъанавий усули
1. Бирламчи.
2. Иккиламчи.

Бирламчи усул:
1. Мушоира
2. Тўй
3. Интервью
4. Суҳбат ва ҳ.к.

Иккиламчи усул:
1. Миллий ўйин.
2. Ҳимоя.
3. Топқирлик.
4. Чақчонлик.
5. Зукколик.

Машғулотларнинг ўтиш шакли:
1. Ташкилий қисм: 5 дақиқа.
2. Асосий қисм: 30 дақиқа.
3. Хулоса: 10 дақиқа.

Ташкилий қисм:
1. Саломлашиш.
2. Давоматни аниқлаш.
3. Психологик иқлим яратиш.

Асосий қисм:
1. Маънавий-маърифий билим бериш.
2. Билим-кўникма ҳосил қилиш.
3. Амалий иш бажариш.

Хулоса:
1. Интервью ва сўровлар.
2. Уйга вазифа.
3. Рағбатлантириш.

Мавзу: «Гулдаста» гулини тўқиш.

Ойлик шиор: «Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда».

Мақсад: 1. Ўқувчиларга «Гулдаста» гулини тўқиш ҳақида батафсил маълумот бериш.

2. Ўқувчиларни касбга йўналтириш.

3. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, дунёқарашини шакллантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, миллий маданиятимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни сақлашга, меҳр-оқибатлилик сингари фазилатларни сингдириш, ҳар жиҳатдан баркамол, етук ва комил инсонни тарбиялашдан иборат.

Машғулот услуби: назарий, амалий.

Машғулот жиҳози: спицалар, рангли иплар, қайчи.

Машғулотнинг бориши:
1. Ташкилий қисм
2. Асосий қисм
3. Хулоса

Устоз: — Ҳурматли ўқувчилар, бугунги очиқ машғулотимизни беллашув тарзида ташкил этиб, Чўлпон ижодидан 3та тугун чиқарилади (бу 1та ўнг, 1та хомаки, 1та ўнг тугунлар).

Гулни тўқиш вақтида 1-шартни 1-гуруҳ «Гўзал» гуруҳи қизлари бажаради. Улар Чўлпоннинг ҳаёти ҳақида маълумот берадилар.

Устоз: — Навбат «Бинафша» гуруҳига.

Улар Чўлпоннинг ижоди ҳақида маълумот берадилар.

Устоз: — 2—3-шарт давомида гулимизнинг қолган қисмини тўқишни давом эттирамиз. Тўртинчи қатор 3та тугун, кейин 1та тугун кўчирилиб, битта терс тугун ва яна битта тугун кўчирилиб тўқилади... Бешинчи қатор иккита терс тугун, иккита тугун бирга олд деворча томондан, битта ўнг тугун икки тугун бирга орт деворча томонидан ўнг қилиб, битта чап тугун билан, қатор охирида эса иккита чап, битта милк тугун тўқилади.

Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий жанрларидан бири эртак ҳисобланади. Сиз кўп эртакларни севиб ўқийсиз. Уларда ҳам қаҳрамонларнинг аксарияти миллий ҳунармандчилик билан шуғулланади. Кулолчилик, гиламдўзлик, темирчилик, дўппидўзлик, каштачилик, зардўзлик, қуроқчилик...

Гуруҳ вакиллари ўзлари ўқиган эртакларни айтиб беришади. Учинчи шарт эълон қилинади ва олтинчи ва саккизинчи қаторлар тўқима тугунсига биноан давом эттирилади. Етти қатор битта чап, битта ўнг, 3та чап тугунлар билан қатор охирида битта ўнг, битта чап ва битта милк тугун тўқилади. 9-қатор битта терс, битта тугундан учта тугун тўқиб чиқаришади.

Айни пайтда сизнинг зукколигингизни ҳам синаб кўрамиз.

Тезкор саволлар.

«Гўзал» гуруҳи учун саволлар:

1. Миллий спорт турларидан бири.
2. Миллий таомлардан бири.
3. Миллий бош кийим.

Жавоблар:

1. Кураш. 2. Ош(палов). 3. Дўппи.

«Бинафша» гуруҳи учун саволлар:

1. Миллий аёллар кийими.
2. Умуммиллий қўшиқ. 3. Олдимизда турган асосий вазифалардан бири.

Жавоблар:

1. Атлас. 2. Мадҳия. 3. Комил инсон тарбияси.

Устоз:

— Навбат мушоирага.

«Гўзал» гуруҳи аъзоси «Гўзал» шеърини айтиб беради.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадур. Мен уни тушда кўрамен.

«Бинафша» гуруҳи вакили мушоирани «Бинафша» шеъри билан давом эттиради.

Устоз — «Гулдаста»ни навбатдаги шартни бажариш давомида тўқиб тугатишга ҳаракат қиламиз.

10-қатор битта ўнг тугун кўчирилиб, битта чап тугун битта тугун кўчирилиб, 3та ўнг тугун, қатор охирида битта ўнг, битта милк. 11-қаторда милк тугундан кейин 2та тугун бирга олд деворча томонидан ўнг қилиб, 1та ўнг, 2та тугун бирга орт деворча томонидан ўнг қилиб, 1та терс тугун, 12-қаторда эса тўқима тугунсига биноан, 13-қатор 1-қатордек тўқилади.

Ниҳоят гуруҳларнинг ишлари тайёр бўлди. Аввало гуруҳ вакиллари рангларни танлаши, тасаввурларини ишларида намоён қилиш кўрсата олганларини изоҳлаб беришади. Биз «Гулдаста»га баҳо бериш учун мутахассис таклиф этганмиз. Сизнинг зукко ва чақчонлигингиз рағбатга муносиб. Давра-мизга ташриф буюрган туманимизнинг ажойиб ҳунармандлари, ўқитувчилар, ота-оналар бизга ғолиб гуруҳни аниқлашда кўмаклашади.

Ғолиблар эълон қилиниб тақдирланади.

Уйга вазифа: ўқувчиларга уйда ўрганганлари бўйича ўзлари ёқтирган гулни рангоранг ипларда тўқиб келиш топширилади.

Машғулотни О.ОЧИЛОВА кузатди.

Amaliy mashg‘ulotlarda

Ўқувчи характери

уни қандай тарбиялаш мумкин?

Ёшларни яхши хулқ-атворли бўлиш, меҳнат, илм-фан, спорт билан шуғулланиш обрў-эътибор келтиришини уларга ишончли далиллар асосида тушунтириб, шу орқали тарбиялаш муҳимдир. Бу жамиятда барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлаши шубҳасиз бўлиб, Ўзбекистонда бу борада сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

Болалар, айниқса, девиант характерли ўсмирлар тарбияси илмий-методик асосда ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади *(жамиятдаги турмуш тарзи, унда жорий этилган тартиб-қоидалар орқали белгиланган нормалардан четга чиқиш девиант характер ёки ҳаракат дея эътироф этилади)*. Бундай характерли болани тарбиялашда оиланинг роли ниҳоятда катта. Агар оилада ота ёки она бўлмаса, назоратсиз бола кўп вақтини кўчада ўтказади. Ана шу даврда у жамият учун хавфли бўлган турли хил доирасига тушиб қолиши мумкин.

Кўп болалар ёшлигидан бирор касб-ҳунарга, санъатга қизиқиб қолади. Аммо айрим ота-оналар уларнинг хоҳиш-иродасига қарши туриш ҳолатларида ҳам бола уйдан кўчани афзал кўради.

Ҳунар — туганмас хазина.

Демак, жамиятимизнинг фаол, билимли, маданиятли комил кишисини тарбиялаш учун, аввало оилада муҳит яхши бўлиши лозим. Ўсмирларни яхши тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Яъни, тарбиячи — ота-оналарнинг ўзлари тарбия кўрган, болага намунали хулқи билан ўрнак бўла оладиган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Тарбиячи билан тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч бўлмас экан, қилинган ҳаракат зое кетаверади.

Бизнингча, бола тарбиясига таъсир этадиган 4та омил бор. Биринчиси, ижтимоий муҳит, иккинчиси, атроф-муҳит, учинчиси, генлар, тўртинчиси эса тарбиядир. Буларнинг баркамол инсонни камол топтиришда ўзига хос ўрни бор. Масалан, бола оилада қандай шароитда ўсса, фикр доираси ҳам, ақлий ва жисмоний имконияти ҳам шунга яраша ривожланади. Атроф-муҳит ҳам, генлар ҳам боланинг ўсиб ривожланишида ҳам физиологик, ҳам маънавий жиҳатдан камол топишида ўзига хос вазифани бажаради. Аммо юқорида санаб ўтилган омиллар ичида тарбиянинг ўрни беқиёсдир.

Демак, девиант характерли болаларни тўғри йўлга солишда оила, маҳалла, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва инсон тарбиясига масъул бўлган барча жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда диққат-эътибор қаратсаларгина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Mutaxassis minbari

Шуни назарда тутиб, биз девиант характерли болаларни тарбиялашнинг қуйидаги усул ва услубларини тавсия этамиз:

Биринчи қадам. Сиз ўсмирни тўғри йўлга солиш учун нималар қилдингиз. Шуларни санаб ҳисобга олиб қўйинг. Қилган чора-тадбирларингизнинг қай бири натижа бердию, қай бири самарасиз кетди. Болага таъсир этишнинг самарасиз усулларидан воз кечиш унинг яхши томонга ўзгаришига ёрдам бера бошлайди.

Иккинчи қадам. Агар дастлабки қадам муваффақиятсиз чиқса, боланинг катталар билан бўладиган мулоқотида одатдаги ҳолдагидан бошқачароқ усулларни қўллашга ҳаракат қилинг. Масалан, бола ўзини қай шароитда кўнгилдагидек тутиши, қачон ва қандай ҳолатда номувофиқ иш кўриши, зиддиятли муносабат чоғида сиздан нимани кутиши тўғрисида ўзингизга савол беринг ва болага нотўғри таъсир этадиган усулни қўлламанг.

Учинчи қадам. Агар тарбияда учинчи қадамни қўйиш лозим бўлса, боланинг кундалик вақти одатдагидан яхшироқ ўтиши учун сиз нима қилишингиз лозим деб ҳисобласангиз, шу асосда ўз фаолиятингиз рўйхатини тузиб олинг. Масалан, болага яхши муомала қилиш учун ҳар бири камида 20 минутдан уч босқичда вақт ажратинг. Ундан қандайдир топшириқни бажаришни илтимос қилинг. Ўша топшириқни қай йўсинда ва усулда бажаришни ўзига қўйиб беринг. Боладан ўзингиз ва унинг ўзи ҳақидаги фикрини сўранг. Болага оила ва синф учун зарур бўлган ишни беринг. Иккаланглиз биргаликда риоя қиладиган бир нечта (бештадан ошмасин) тартиб-қоидани келишиб олинг.

Одатда учинчи қадамдаёқ болада яхши томонга ўзгаришга иштиёқ уйғонади. Агар бундай ҳол кузатилмаса, кейинги қадамлар қўйилади. Энди бу ерда тарбиячи билан бирга психолог ишга киришади.

Тўртинчи қадам. Бунда турлича усуллар қўллаб кўрилади:

а) боладан номақбул ҳаракатни қайтармаслик сўралади. Бу иши нотўғрилиги мисоллар билан кўрсатиб берилади;

б) «Сен нимани кўпроқ истайсан?» қабилида савол беринг. Масалан, «Сенга ўқитувчи кўпроқ эътибор беришини хоҳлайсанми?», «Синфда ўқитувчи ўрнига бўйруқ беришни хоҳлайсанми?», «Сен ўқитувчидан хафасан, шунинг учун унинг хафа бўлишини истайсан, шундайми?», «Сени синфда тинч қўйишлари ва саволлар бериб, безовта қилмасликларини хоҳлайсанми?»;

в) унинг берган жавобларидан келиб чиқиб, болани сиз билан ҳамкорлик қилишга чақиринг.

Бешинчи қадам. Ўртангиздаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун тўртинчи қадамдаги саволлар ва жавоблар бўйича сўранг. Масалан:

— Нима иш қилдинг?

— Биз сен билан қандай тартиб ўрнатган эдик?

— Сен нима қилишни таклиф қилган эдинг?

— Энди нима қиласан?

Олтинчи қадам. Бунда ҳам воқелик билан боғлиқ стандарт саволлар беринг. Масалан:

— Нима иш қилдинг?

— Бу сенга нима берди, нимани хоҳлаган эдинг?

— Ўзингга манфаат келтириш учун бу ишни қандай бажарсанг, дуруст бўларди?

— Энди нима қиласан?

Бу савол-жавоб орқали боланинг ўз сўзида, аҳдида турмаганлиги ойдинлашади. Бунинг учун у жазоланмайди, фақат ўз хатти-ҳаракатини баҳолаш учун имкон берилади.

Тарбиянинг кейинги босқичида унинг синфдаги бошқа болаларнинг ўқишига халақит берадиган хатти-ҳаракатига эътибор қаратилади. Бу усул уйда, яъни оила шароитида амалга оширилганда боланинг оиладаги муҳит ва ишларга халақит беришига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Еттинчи қадам. Бола бир қанча муддат ўз ҳолига қўйилади. Ана шу пайтда ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиши учун имкон берилади.

Айрим болалар мактабдаги ўқиши ва фаолияти давомида мавжуд тартиб-қоидаларни кўтара олмайди. Албатта, уларни бузади. Бу ҳолда девиант характерли бола учун алоҳида ўқиш ва тарбия режаси тузилади. Бунда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Раҳматилло МУСУРМОНОВ,
педагогика фанлари номзоди,
Каримжон РИХСИЕВ,
илмий тадқиқотчи

Siz nima deysiz?

«Симёғоч»даги эълонлар

уларга ишониш мумкинми?

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлиқдир», деган фикрлари бугунги кун учун ҳам ғоят қимматли.

Ҳозирги кун ёшлари, келажагимиз давомчилари илм ва ҳунар ўрганишга қай даражада интилмоқдалар? Илм ўрганишни ўзлари учун фарз деб биляптиларми? Жавобимиз ижобий. Ёшлар интилмоқда, нафақат мактабда, дарсдан сўнг репетитор ёки ўқув марказларига бориб, фан сирларини ўрганмоқдалар. Ўқув курсларининг манзили, телефони, қайси йўналишдаги олий ўқув юртларига тайёрлаши, ўқиш нархи, ўқитувчилар таркиби кабиларни энди кўча-кўйдаги симёғочларидангина эмас, кўп нусхада чоп этилаётган хусусий газеталардан ҳам бемалол топиб оласиз. «Эй, ўқувчи! Бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, нотиқ, бой бўлишнинг ягона калити билимдир. Уни эгалласанг, юқоридагиларга, албатта, эришасан. Шунинг учун юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан» каби шиор билан иш юритаётган марказларга тезроқ боришга ҳаракат қиласиз. Фақат шу ўринда илм олишни қатъий кўнглига тукқан иқболли ўқувчиларга бир маслаҳатимиз бор. Чуқур билим олишга аҳд қилган экансиз, рекламаси жимжимадор бўлганини эмас, балки чинакам юқори салоҳиятга эга педагоглардан иборат ўқув марказларини топишга ҳаракат қилинг!

1-воқеа. Зуҳра олис қишлоқдаги мактабни битирди. Ўқишга кириш учун Тошкентга отаси билан келди. Аттестатдаги баҳолари «4», «5» эди. Ўзига, билимига ҳам ишонарди. Фақат мактабда инглиз, рус тили ўқитувчилари тез-тез алмашгани сабабли бу фанлардан билимига ишонмасди. Имтиҳонгача бир ярим ой вақт бор. Қўлидаги газетани варақлай туриб, абитуриентларни олий ўқув юртларига тайёрловчи, дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат берувчи, назарий ва амалий машғулотлар «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказиладиган ўқув марказларининг биридан хабардор бўлади. Отаси билан марказга боришади. Марказдаги ўқитувчилардан бири «Икки ойда инглиз тилини ўргатаман», деб ваъда беради. Зуҳра ҳам ўқув марказида, ҳам ўқитувчининг уйида ўқий бошлайди. Бироз тил ўрганади ҳам. Бироқ имтиҳон яқинлашгач, чўчий бошлайди. Ўқитувчиси унга мўмай маблағ эвазига жавоблари тайёр 200та тестни бериши мумкинлигини айтади. Отаси кўнмайди, тўғрироғи, ишонмайди. Лекин Зуҳра оёқ тираб туриб олгач, ноилож рози бўлади. Бироқ имтиҳонда бу тестдан саволлар тушмайди. Давоми ўзингизга маълум. Зуҳра отаси билан қишлоғига қайтади.

2-воқеа. Аҳаджон икки йил тиббиёт институтига ҳаракат қилиб киролмаган. Бу йил «Албатта, кираман», деб 11 ойлик тайёрлов курсига қатнади. Тасодифан имтиҳонга ўн кун қолганда бекатдаги симёғочда «Ўқишга кириш учун 100 фоиз кафолат бераман ва қисқа муддатда тест синовларига тайёрлайман» деган эълонни кўриб қолади. Манзилни топиб боради. «Устоз» унга 10 кун давомида 3та фандан тестга тайёрлашини, фақат бу кунларда белгиланган уйдан ҳеч қаерга чиқмаслик, ҳатто телефонда ҳам гаплашмаслик шартини қўяди. Аҳаджон рози бўлади, ўзи сингари 20 нафарга яқин абитуриент билан «бир хонадон»да ўқийди, овқатланади, ухлайди. Ҳеч қаерга чиқишмайди. Ахир, улар «имтиҳонда тушадиган» саволларни ёдлашаяпти-ку?! Тест саволлари жавоблари уларга оғзаки ўқиб берилади, бироқ қўлларига берилмайди. Имтиҳон куни эса уларга «шпаргалка» тутқазилади. Афсуски, имтиҳонда бу тестларга эмас, бошқаларига жавоб беришга тўғри келади. Аҳаджон яна ўқишга киролмайди.

Бундай воқеаларни сиз ҳам кўп эшитгансиз.

Болалар ҳар бир нарсага, айниқса, газетага ишонишади. Бекатлардаги, деворлардаги эълонлар камаяётган бир вақтда бундай рекламанинг газеталарда кўпайиб бораётганига нима дейсиз? Саҳифадаги матн ҳажми учун пул тўланиб, исталган эълон берилавериши тўғрими? Бу эълонга ишониб алданиб қолаётганлар эртага газета ўқирмикан? Айниқса, ўқув марказлари ҳақидаги эълонларга масъулият билан қараш лозимга ўхшайди. Ёки «Тарих, инглиз, она тили фанларидан олий ўқув юртларига тайёрлаймиз», «Тест синовларига кафолатли тайёрлаймиз» каби эълонларни ким бераётгани ҳам ёзилса, фойдадан холи бўлмасди.

Хуллас, реклама кўпу, ундан барака топаётганлар кам. Биз эса кўп эмас, сифатли «Ўқув курслари» кўпайишини истардик.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma’rifat» мухбири

Dildan suhbat

Ҳозирда таълим муассасаларини барча талабларга жавоб берадиган ўқув адабиётлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг изланишлари ҳам самара бераётир. Ана шундай устозлардан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Марғуба Мирқосимовадир. Устознинг тинимсиз изланишлари натижасида «Ўзбек тили» (2002), «Жанр ва маҳорат» (2007) илмий рисоласи, олий ўқув юртлари учун дарслиги, «Ҳозирги адабий жараён» (2008) ўқув қўлланмаси ҳамда «Бадиий таҳлил усуллари» (2000) «Адабий суҳбат», «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари» (2006), «Бадиий асар таҳлили» (2007) каби монографиялари нашр қилиниб, таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда.

Ўқитувчи билан суҳбатимиз ҳозирги адабий жараён, унинг ўқитилишидаги муаммолар ва ютуқлар ҳақида бўлди.

ЎҚИТУВЧИ ЎҚУВЧИНИ ФАРЗАНДИДАЙ СЕВА ОЛСИН!

— Сиз “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабий жараён”, “Бадиий асар таҳлили тамойиллари”, “Мустақиллик даври адабиёти” фанларидан талабаларга маърузалар ўқийсиз ва амалий машғулотлар олиб борасиз. Айтинг-чи, аудиторияни қамраб олиш ва бевосита жонли фикрлатиш учун маърузачидан нималар талаб қилинади?

— Биринчи навбатда, жонли, ижодий фикр талаб этилади. Хонандалар ижросида фонограммадан фойдаланиш қанчалик тингловчининг таъсирланишини сусайтирса, маърузачининг матндан кўз узмай маъруза ўқиши шунчалик таъсирсиз ҳолатни юзага келтиради. Бугунги ахборот технологиялари даврида талабалар диққатини жалб этиш ва уларни бевосита маъруза жараёни иштирокчисига айлантириш учун маҳоратдан ташқари билим ва мунтазам изланиш, ижодий меҳнат талаб қилинади. Баъзан мавзуга янгича қараш, муносабатлар, ижодий фикр бевосита аудиторияда туғилади. Шундай кезларда талабалар нигоҳида алоҳида диққат, эҳтирос пайдо бўлади, айтилаётган фикр-мулоҳазалар моҳиятини чуқур англаб ҳис этганликлари сезилади.

Бу ҳолат ижодий фикрга гўё қувват беради, тўлқинланиб таҳлилга киришиб кетаман, нигоҳлардаги “учқун”-ни алангалатишга ҳаракат қиламан. Аудиторияни баъзан баҳс-мунозара шовқини тутади, ҳар бир талаба ўз кўнглида уйғонган туйғуни изоҳлагиси, ўз қарашини айтгиси келади. Фикрий-ҳиссий-ижодий “ҳужум” авжига чиқади. Дарс тугаганда ҳам биронта талаба ўрнидан тургиси келмайди, шундагина қониқиш ҳиссини туяман.

— Филология ва адабиёт ўқитиш методикасига доир илмий изланишларингизда муайян узвийлик борми?

— Адабиёт — инсоншунослик. Бадиий асарлар марказида ҳамиша инсон образи туради. Ўқитувчининг диққат марказида эса — ўқувчи. Адабий таълим ҳам ўқувчи маънавий оламини юксалтиришни, қалбини гўзаллаштиришни кўзлайди. Адабиётшунос маълум маънода, бадиий асар ва унинг ижодкори билан китобхон ўртасида талқинчи вазифасини бажаради. Адабиёт ўқитувчиси ҳам ўз ўқувчиларини бадиият оламига олиб киришда талқинчилик маҳоратидан фойдаланади. Методист олим ҳам, адабиётшунос ҳам ўқитувчи бўлиши, ўз илмий фаолиятини таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқликда олиб бориши шарт.

Ҳозирги ўзбек адабиётига хос етакчи тенденциялар таъсирини адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ижодкорлар инсоннинг ўзлигини англаш, ўз кўнгил оламига яқинлашиш жараёнини бор мураккаблиги, руҳий қалқишлари ила тасвирлашга интилмоқда. Руҳий драмалар ичидаги “мен”нинг кечинмалари кўламдорлиги, сермавзлиги, кўпоҳанглилиги билан ажралиб туради. Инсон руҳияти кенгликлари рамзларда, бадиий бўёқларда манзараланмоқда.

Ўзлигини кашф этган инсон ўзгани англайди, эл-юрт дардларини ҳис қила олади. Аммо ўзликни англаш учун инсондан маънавий етуклик талаб қилинадики, адабий таълимнинг бош мақсад-муддаосини ҳам яратувчи, фидойи, эл-юрт дардларига дардкаш, юксак маънавиятли ёшларни шакллантириш ташкил этади.

Давримиз, жамиятимиз, тараққиётимиз шарти, эҳтиёжи туфайли юксак маънавият сари интилмоқдамиз. Ахборот технологиялари асрида ўқувчини гўзалликка, табиийликка, эзгуликка чорлаш, бадиият оламига хос жозибадан баҳраманд этишнинг замонавий метод ва усулларини излаш, адабий таълим мазмунини такомиллаштириш илғор илмий қарашлар ва амалий тажрибаларни талаб этади. Оддий китобхон ўқувчининг эстетик диди, мустақил фикри, нуқтаи назари шаклланган, коммуникатив саводхонлиги юксалган, яратувчи шахс даражасини забт этишига таъсир кўрсатиш, ана шунга мос шароит яратиш ўқитувчилар, методист олимлар зиммасидаги вазифа.

Таълим мазмунида рўй берган янгиланишга яқинлашиш унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади. Адабий таълим замирида гедонизм, яъни бадиий асарларни тушуниш, образлар моҳиятини чуқур англаш орқали ўқувчининг завқланиш, эҳтирос туйғуларини туйиши ҳақидаги қарашлар адабий таълим амалиётидан ўз ўрнини топди.

— Методист олим учун мактаб амалиёти зарурми?

— Мен йигирма йилга яқин умумий ўрта таълим мактабларида она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга дарс бердим, салкам ўттиз йилдирки, олий таълимда бўлғуси ўқитувчиларга сабоқ бериб келаман. Амин бўлдимки, яхши методист бўлиш учун аввало, мактабни, ўқувчини, дарс жараёни муаммоларини пухта ўрганиш, билиш керак экан.

“Ўқувчини ўз фарзандидай сева олган ўқитувчи ҳақиқий педагогдир”, деб қайта-қайта таъкидлар эди устозларимиз. Ўқувчи руҳиятини, майл ва истакларини, эҳтиёжини чуқур ўрганмай, билмай туриб, умуман, ҳеч бир дарсни ташкил қилиб бўлмайди. Адабий таълим ҳақида сўз юритувчи шахс аввал шу жараён ичида “пишиб етилиши” шарт.

— Адабиёт ўқитиш методикасининг бугунги ютуқларини нимада кўрасиз, қайси камчиликлар сизни ўйлантиради?

— Фанимиз ютуқлари анчагина. Мени қувонтирадиган жиҳатлари тўлдирилган, такомиллашган ўқув дастурлари, дарсликларнинг яратилганлиги, бу жараёнга йирик адабиётшунос ва методист олимлар жалб қилинганлиги, бугунги кунда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш билан бирга, малакали мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидлагим келади.

Кейинги йилларда методист олимларнинг янги авлоди: ижодий мактаблари шаклланди. Айниқса, методика соҳасидаги салмоқли изланишлар туфайли фаннинг илмий-назарий ва фалсафий-эстетик асослари янгиланди. Ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, ностандарт, мураккаб вазиятларда тўғри ечим топиш йўлида изланадиган қилиб тарбиялаш масаласи — таълим-тарбияни трансакция фалсафаси асосида ташкил этиш ғояси ўзбек методикасида илмий талқинини топди.

Мустақиллик даври ўзбек методикаси билан жаҳон амалиётида самарали деб тан олинган илғор назарий қарашларнинг мазмунан уйғунлашуви, шубҳасиз, ижобий ҳодиса. Олимларимиз мактаб дарсликларининг ҳар бирига “Ўқитувчи китоби” методик қўлланмалари орқали ўзбек адабиётининг баркамол намуналарини ўқувчига тақдим этиш, ўргатиш методикасини ўзига хос илмий концепцияга таяниб яратдики, буларнинг бари методика соҳасидаги жиддий ютуқлар сирасига киради.

— Аёл – раҳбар – олима – она... Бу тушунчалар бирлигини қандай изоҳлайсиз? Улардан қайси бирига асосий вақтингизни, кучингизни сарфлайсиз?

— Бу тушунчалар бирлиги оиланинг тинчлиги, саришталиги, фаровонлиги, фарзандлар қиёфасида кўзга ташланади. Сиз аёл, она, раҳбар, олимага хос сифатлар бирлигини бир аёл ўзлигида бирлаштира оладими, демоқчисиз, менимча. Ҳар ҳолда саволларингизнинг энг қийинига жавоб беришга тўғри келади. Аёл ҳамиша борлиғи билан аёллигича қолади ва аёлдай яшаб, нафас олади, вақти келганда қувонади, кўнглига озор етганда йиғлайди. Аёлни маънавий емиришга қодир ягона сабаб — ёлғизлик, меҳрга ташналик, деб ўйлайман. Қолган барча ҳаёт қийинчиликларию, синовларини аёл енга олади.

Аёлга сабр-қаноат, ирода, мардлик ва латофат зарур. Оиланинг шакли ҳам, мазмуни ҳам аёлнинг латофатига монанд бўлади. Хонадон остонасидан оила аёлининг қиёфасини англаш мумкин.

Суҳбатдош:
Нафосат ЎРОҚОВА



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Ахборот-ресурс маркази талабаларнинг севимли масканига айланган.

Бугунги кунда мазкур Ахборот-ресурс маркази 506 780 китоб фондига эга бўлиб, талабаларга турли дарсликлар, илмий, сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар тақдим этмоқда. 650 ўринга мўлжалланган ўқув заллари талабалар ихтиёрига берилган.

Суратда: талабалар Ахборот-ресурс марказида.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

Профессор Бегали Қосимов XX аср ўзбек маданияти тарихида ўзидан ёрқин из қолдириб кетган сиймолардандир. У ёниб яшади, ёниб изланди, ёниб ижод қилди. Олим, айниқса, Беҳбудий, Фитрат, Сиддиқий-Ажзий, Сўфизода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бошқа фидойи сиймоларнинг курашлари, асарлари билан таништиришда унутилмас хизматлар кўрсатди...

Фидойи олим Б.Қосимовдан салмоқли адабий мерос қолди. Унинг ҳаётлик пайтида босилган асарларидан ташқари, шахсий архивида ҳали эълон қилинмаган қўлёзмалари кўп.

Қуйида шундай мақолалардан бирини ўқийсиз.

Бегали ҚОСИМОВ

ОДАМИЙЛИК ФАЛСАФАСИ

Адабиётда шундай мавзу ва масалалар борки, улар замон ва макон ҳақидаги қоидаларга итоат этмайдилар. Миллий айирмалардан ҳам, диний айирмалардан ҳам юқори турадилар. Улар барча халқлар, барча мамлакатлар учун муштарақдир. Шундай масалалардан бири инсон ва инсонийлик масаласидир. Бу неча-неча асрларни адабиёт воситасида ўзаро маҳкам боғлаб-бириктириб турадиган кўзга кўринмас бир робитадир. Бу мавзу дунё қадар кўҳна, инсон қадар ҳамиша барҳаёт мавзудир. Адабиёт бино бўлибдики, бу мавзу унга йўлдошдир. Фарқ шундаки, у замони билан мумтоз ва беназир мавқеъ олди. Замони билан оддий, жўн, шунчаки бир гапга айланиб қолди. Лекин ҳеч қачон адабиётнинг кун тартибидан тушган эмас.

Алишер Навоий фавқулодда шахсият, доҳий санъаткор. Тарих ҳар замонда бир инъом этадиган санъаткор. Унинг ижоди ҳудудсиз бир уммон. Унга тушган ғаввос қуруқ чиқмайди. Ҳар ким ўз ақлига кўра, ўз ғайратига кўра, қунт-чидамига кўра, албатта, нимадир топиб чиқади. Аввало, унда ҳар бир саволга жавоб бор. Инсоннинг кундалик ҳаётидан инсониятнинг долзарб муаммоларигача. Унинг «Ҳайрат ул-аброр"ида шундай сатрларни ўқиймиз:

Ганжинг аро нақд
фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Улуғ шоир эътиқодича, дунёнинг бино бўлмоғидан муддао аслида инсон эди. Бинобарин, ундан улуғ мавжудод йўқ. У— хилқатнинг тожи, борлиқнинг меҳвари.

Борчасини гарчи латиф
айладинг,
Борчадин инсонни
шариф айладинг, —

деб ёзади шоир.

Бу сатрлар бундан 500 йил олдин ёзилган. Инсон ва унинг қадр-қиммати масаласи 500 йил олдин ҳам адабиётимизнинг жон томирларидан бўлиб келган эди. У кўҳна Шарқ адабиёти тафаккурида мумтоз мавқени тутган одамият масаласи билан ғоят ҳамоҳанг эди.

Инсон деганда, биринчи навбатда, биз унинг ҳаётини, бу ҳаётнинг реал мазмунини кўзда тутамиз. Адабиёт инсоний умрнинг фонийлигини инкор қилмади. Аксинча, ҳақиқатга тик қаради. Унинг кишига бир марта бериладиган улуғ неъмат эканини таъкидлади. Ғанимат умрдан баҳраманд бўлиш, уни яхшилик-эзгулик йўлида сарф этиш, шу орқали умрни абадийлаштириш ҳақида фикр юритди:

Хуштурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ
ҳаёт гули —

деб ёзади улуғ Навоий. Ёки унинг ҳикматга айланиб кетган мана бу фард-муаммосини олиб кўрайлик:

Бу гулшан ичраки йўқтур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик била от.

Бу гулшандаки сўлмайдиган гул йўқ экан, ҳамма бирин-кетин ажал шарбатини ичар экан, яхшилик билан чиқарилган от туфайлигина абадий яшаб қолиш мумкин, холос. Бошқача айтганда, ўлмасликнинг йўли битта – яхши ном – мана, шоир умрининг мазмуни, ижодининг бош шиори. Бу умрнинг мазмунига тегишли гап. Унинг бош шиори — комил инсон.

Дарҳақиқат, инсоният барча узвлари ўзаро бир жону бир тан билан боғланган яхлит бир аъзодир. Унинг муқобили, тимсоли йўқ. У — дурри танҳо. Унинг узвларининг бирига шикаст етса, бошқаларининг беқарор бўлиши муҳаққақдир. Инсонларнинг инсон ва инсонликни ҳимоя қилиши шундан.

Улуғ шоир:

Одами эрсанг, демагил
одами,
Оники йўқ халқ ғамидин
ғами, —

деб ёзди. Ўзининг ҳаёти учун ҳам, ижоди учун ҳам бу даъватни шиор сифатида қабул қилди. Бу шиор биргина ўзбек ёхуд Шарқ адабиётига хос эмас. У умумжаҳон адабиётининг таянч нуқталаридан биридир. «Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу — Сизнинг бурчингиз!», — қўшимча қилгандек бўлади Руссо.

Чинакам инсон учун кишиликни

Инсон ҳақида гап кетганда, яна бир нарсани қайд этмоқ керак. Сарв қаддининг мавзунлиги билан, гул рухсорининг гулгунлиги билан қадрли. Инсон ҳам номига, ўз қадрига, ўз мавқеига муносиб бўлиши керак. Бу масала ҳам инсон ҳақидаги фикр-қарашларнинг муҳим бир қисми сифатида ҳамиша адабиётнинг марказида келди. Бугина эмас. Шоирларимиз инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотига ҳам алоҳида эътибор қилдилар. Масалан, Навоий инсоннинг дунёга келиб камолотга етмай ўтиши ҳаммомга кириб, тоза бўлмай чиқишдек гап, дея таъкидлайди.

Камол эт касбким,
олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай
ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак —
биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин
нопок чиқмоқ.

Биз бугун инсонни ҳар томонлама камол топтириш ҳақида гапирар эканмиз, унинг Навоий орзуларига ҳамоҳанг эканлигини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Инсоннинг шаъни-шукуҳи, мавқемартабаси X—XV асрларда Шарқ адабиётида шаклланган одамият – одамийлик фалсафасининг фақатгина бир томонидир. Унинг энг муҳим бўлган иккинчи томони ҳам бор. У инсоннинг ташвиш ва қувончлари билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, ғамидан ёнмоқдир. XX аср боши ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Сидқий-Хондайлиқий шундай ёзганди:

Ҳама одам ўғли бир аъзо эрур,
Ки хилқатда бир дурри
танҳо эрур.
Бир узвингни ранжитса
гар рўзгор,
Бўлак узвларда қолурми
қарор?!

улуғлаш, унинг бахтли бўлиши лозимлигини эътироф этиш ҳали оз. Бу бахт учун курашмоқ ҳам зарур. Навоий бу йўлда ҳам буюк жасорат кўрсатди. Инсонпарварликни ҳар қандай муқаддас нарсадан муқаддасроқ билди. Уни ислом оламининг энг муқаддас, мўътабар даргоҳи Каъбани обод қилиш билан тенг тутди. Шоир ёзади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борки, Каъба вайрон
бўлса, обод айлагай.

Бир кўнгли синиқ кишининг кўнглини кўтариш, шод этиш, шу қадар улуғ ишки, бу вайрон бўлган Каъбани обод қилган даражададир. Одамнинг кўнгли Каъбага қиёсланаяпти. Кўнгил синиқлиги Каъба вайронлигига ўхшатилаяпти. Меҳр-мурувватнинг бундай тимсоли, ўйлайманки, ҳар қандай кишини ларзага солади.

У элнинг нафини ҳамиша ўзлигидан устун қўйди. Уни ҳамиша энг юксак мезон деб билди. Ахир:

Юз жафо қилсанг манга
бир қатла фарёд айламон,
Элга қилсанг бир жафо
юз қатла фарёд айларам, —

демоқ учун киши эл дардини қанчалар теран билмоғи керак! Йўқ, билишгина эмас, у билан бир тандек, бир вужуддек яшамоғи керак.

Мана шу сўнгсиз дард ва иштиёқ — замона ноҳақликларидан изтиробланиш, ҳақиқат ва адолатни орзулаш шоирни келажакка етаклади. У зулм ҳам, зўравонлик ҳам бўлмайдиган олам ҳақида фикр юритди:

Оламе хоҳам, ки набвад
мардуми олам дар у,
К-аз жафои мардуми олам
набошад ғам дар у, —

деб ёзди. Яъни бир олам истайманки, унда давримизнинг одамлари бўлмасин, одамлар жафосидан ғам бўлмасин.

Бошқа бир шеърида эса қуйидаги сатрларга дуч келамиз:

Гар будур олам, кишига мумкин
эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун
бештин яратқой оламе.

Инсоният бино бўлибдики, ўз келажагини, истиқболини ўйлайди. У дунёни иккига — эзгулик ва ёвузликка ажратди. Эзгулик ва ёруғлик тимсолида Ҳурмузни яратиб, ёвузлик ва зулматга — Аҳраманга қарши курашга солди. Тўкинлик, фаровонлик ҳақида хаёл суриб «очил дастурхон»ларни ўйлаб чиқарди. Шоҳ ҳам, гадо ҳам бўлмайдиган замонларни, адолат ва озодлик пойдор бўладиган давронларни орзу қилди. Улуғ Навоий башорат қилган «оламни бештин яратмоқ» ҳақидаги фикр инсоният излаган ҳақиқатга эш эди. Ундан 350 йил кейин ўтган ва ўз шеърларида Навоийни ҳамиша устоз тутган Огаҳий ёзади:

Агар жамъ ўлса учқун
бир маконға,
Бўлур ҳар дамда
оташгоҳ пайдо.
Ва гар ҳар соридин
йиғнолса қатра,
Бўлур тадриж ила
ҳосил ҳувайдо.

Халқнинг ғоят қудратли куч эканлигини ифода этувчи бу қитъа 1842 йилги Ойдўст қўзғолони муносабати билан ёзилган. Лекин ундаги руҳ ва мазмун Навоийга ғоят яқин. Буни пайқаш қийин эмас. Энди бошқа бир шеърни кўрайлик:

Халқ денгиздир,
халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ офатдир,
халқ ўчдир...
Халқ қўзғолса, куч
йўқдирким тўхтатсун!
Қувват йўқким халқ
истагин йўқ этсун...

Бу шеърнинг муаллифи 20-йилларнинг машҳур шоири Чўлпон. Бир нарсага эътибор қилайлик. Бу уч шоирни — XV асрдаги Алишер Навоийни, XIX асрдаги Огаҳийни ва XX асрдаги Чўлпонни бир-бирига маҳкам боғлаган робита нима? Инсонпарварлик эмасми, элпарварлик эмасми?!

Бой ўтмиш адабий меросимизнинг бугун ҳам барҳаёт келаётганлиги ҳақида гап кетганда, Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ яна бир масалани тилга олишни истардим. Улуғ шоир ўзининг бутун умрини халқи ва мамлакати осойишталигини таъминлашга, эл ва юрт бошига қирғин ва талонлар келтирувчи ўзаро нифоқ ва жанжалларнинг олдини олишга қаратган эди, тинчликни улуғлаган эди. Бу маслак ва ғоя унинг ўлмас асарларида ҳам давом этди. «Хамса»даги воқеалар, образлар бунга далил. Бу ҳол унинг ғазалларида ҳам бетакрор ифодасини топган эди. Масалан, унинг мана бу сатрларини эслайлик:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизғаким,
эрур ёрлиғ иш.

Бу бугунги кунда ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, Навоий барча замонлар шоири. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли гап топа олади. У замонларни бир-бирига улаган шоир. Унинг инсон ҳақидаги, умр ҳақидаги, ҳаёт ҳақидаги, ишқ ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайдиган фикрлардир.

1987 йил.

ОЧИЛМАГАН КИТОБЛАР СИРИ

Илк китоб яратилган кундан то ҳозирги давргача шунчалик кўп асарлар дунё юзини кўрганки, уларни ҳатто тахминан ҳам санаб чиқиш осон иш эмас. Шу узоқ давр мобайнида қатор ўзига хос, ноёб китоблар яратилган, ҳар бирининг ҳам ўз тарихи ва сирли томони бор. Баъзилари кенг жамоатчилик ўртасида жуда машҳур, яна бир қанчаси ҳамон кутубхоналарда ўқувчисини кутмоқда.



ВАРАҚЛАБ ҲАМ КЎРИЛМАГАН САҲИФАЛАР

Бугун жаҳон кутубхоналарида ўқувчилар томонидан атиги бир неча марта варақланган, гоҳида эса умуман очиб ҳам кўрилмаган қадимий китобларни учратиш мумкин. Агар бундай китобларни мутолаа қилишнинг имкони бўлмаганда эди, масалага ўзгача ёндашиларди. Лекин гап бошқа томонда. Мана, масалан, «Ўтганлар китоби» номли камёб нашр ягона нусхада чиқарилган эди. Уни Сиамун ҳукмронлиги даври (эрамиздан аввалги 1000-984 йиллар)да Амун давлатининг олий коҳини Пинудьем ёзган. Китоб 3 минг йил Нил дарёси бўйида тош сағана ичида токи уни XIX асрда Британия музейи сотиб олмагунича очилмай ётган, дейилади britishmuseum.com сайтида.

1738 йили таниқли голланд доктори Герман Бурхаве вафот этди. Шифокордан қолган нарсалар ичида «Тиббиёт илмининг ўта махфий сирлари» деб номланган юз саҳифали китоби ҳам топилган. У очилмаган ҳолича кимошди савдосида 10 минг долларга сотилади. Ноёб китобни сотиб олган инсон очиб қараса, унинг бирорта ҳам бетида ҳеч нима ёзилмаган экан. Фақат биринчи саҳифасида «Бошингни совуқ, оёқларингни эса иссиқ сақласанг, энг яхши табиб ҳам камбағал бўлиши шубҳасиз» деган ёзув бор эди, холос.

Қисқа вақт ичида эл оғзига тушган ўзига хос китоблардан бирини ўтган асрнинг 70-йилларида Нью-Йорк шаҳридаги «Манхэттен Паблишинг Хаус» нашриёти чоп этди. Нашрнинг 12 мингга яқин нусхаси 3 долларга тенг нархда қисқа фурсатда сотилди. Қизиғи шундаки, у «Ҳеч нарса ҳақида китоб» деб номланиб, 200та топтоза саҳифадан иборат эди. Илк муваффақият ноширларни руҳлантиргани боис, улар иккинчи маротаба ҳам китобни босиб чиқаришга қарор қилишади. Фақат бу сафар безак ва дизайнга алоҳида эътибор қаратилди. Китоб 5 долларга баҳоланди, шунга қарамай минглаб нусхалар жуда қисқа вақт ичида ўз эгаларини топди.

УМРИ НИМА БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ?

Китоб умрининг давомийлиги унинг қандай материалдан тайёрлангани ва сақланиш шарт-шароитига боғлиқлиги маълум. Мутахассисларнинг фикрича, пергаментга туширилган фикрлар анча пайтгача жуда яхши сақланиши мумкин. Лекин тошга битилган қайдлар айтиш лозимки, абадиятга дахлдор бўлади. Worldbooks.org веб-саҳифасида келтирилишича, қадимий Фива шаҳрида ана шундай умрбоқий китоб сақланиб қолган. У Рамзес ибодатхонаси деворларига ўйиб битилган ва ҳозирда дунёдаги энг катта китоб саналади. Энига 40 метргача чўзилган бу ноёб топилманинг ёши 3 минг йилга тенглиги тахмин қилинмоқда.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри 400 йиллигини нишонлаш тантанаси муносабати билан ғайритабиий нашр дунё юзини кўрди. Ноодатийлиги эса оламдаги бирорта кутубхона токчаларидан бу китоб учун жой топилмаслигидадир. Чунки 400 саҳифадан иборат беш томли китобнинг ҳар бир ҳарфи 35х50 сантиметр ҳажмдаги зангламайдиган пўлатга ўйиб ишланган. Китоб варақларида шаҳар тарихи ўйма нақш ёзувларда баён этилган. Икки юзта пўлат саҳифалар бир ўқ атрофида айланиб туради, беш томнинг умумий оғирлиги 3 тоннага тенг! Мазкур улкан китоб учун махсус «токча» — гранитдан ясалган олти тоннали тагкурси ҳам ясалган.

НОШИРЛИК ИШИНИНГ НОЗИКЛИКЛАРИ

Қадимда китобларни яратишда энг кўп меҳнати сингган кишилар — бу хаттотлар. Гоҳида битта китобни кўчириш учун улар бир неча ойлар давомида ишлашган.

Дунёдаги биринчи босма китобга келсак, бу — «Олмосли сутра» (сутра — «муқаддас китоб» дегани) ҳинд тилидаги асар бўлиб, унинг хитой тилига таржимаси 868 йили чоп этилган. Мазкур оламшумул ишни амалга оширган инсон эса ёғоч ишлари устаси Ван Чи эди. Китоб олти варақ матн ва Будда сурати туширилган бир бетдан иборат қоғозлар ўрами шаклида яратилганди.

Россияда илк босмахона Иван Фёдоров исмли ҳунарманд томонидан 1553 йилда қурилган. Эътиборлиси, Фёдоров бир пайтнинг ўзида ўймакор наққош, қуювчи уста ва дурадгор бўлган. У дастлаб бўртма ҳарфлар ясаб, уларни мис тасмаларга жойлаштирган. Сўнгра тасмаларда изи чиқиб қолган ҳарфлар ўринларига қалай эритмаси қуйилган. Натижада қалайли ҳарф — литерлар ҳосил бўлган. Улар ёрдамида эса матн терилган. Сўнгра тайёр «қалайли матн» махсус бўёқ билан бўялиб, устига тоза қоғоз ёпилган ва махсус тахтакач (пресс) остига қўйилган. Шу тариқа босма китоб тайёрланган.

Ноширлик тараққиётида ажойиб воқеалар ҳам бир қанча. Мисол учун, XVIII асрда яшаган француз матбаачиси ва ёзувчиси Ретиф де ла Бретонн 203та асар муаллифи ҳисобланади. Лекин гап унинг кўплаб асарлар ёзганлигида эмас, балки 152тасининг босмахонанинг ўзидаёқ тўғридан-тўғри териб яратилганида. Бироз ноодатий ҳолат, тўғрими? Эҳтимол, шу сабаб, Бретоннинг замондошлари унга «бу инсон босмахона шрифтида фикрлаш қобилиятига эга» деб сифат беришган бўлса ажаб эмас. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижодкорнинг кўплаб асарлари бемисл адабий қимматга эга бўлиб, улар неча маротаба такрор нашр этилган, жамоатчилик ўртасида оммалашган.

Яна бир қизиқ воқеа ҳозирда Оксфорд университети кутубхонасида сақланадиган Горацийнинг лотин тилидаги шеърлар тўплами билан боғлиқ. Таълим муассасасининг расмий сайти маълумотларига кўра, 1774 йилда лондонлик ноширлардан бири ягона нусхада чоп этилган ушбу тўпламдан ким хато топса, ўша одамга катта ҳажмда мукофот беришини эълон қилади. Тўплам чоп этилишидан олдин бешта мусаҳҳиҳ юз маротаба ҳар бир қаторни синчиклаб ўқиб чиққан. Қолаверса, нашриётга жўнатишдан аввал китобнинг деярли тайёр нусхасида ҳам хато топилмайди. Ношир асар чоп этилганидан сўнг уни Оксфорд университети кутубхонасига тақдим этади.

Бир куни олий ўқув юртининг лотиншунос профессори Т. Бройль мазкур шеърий тўпламни ўқиб чиқмоқчи бўлади. Ноширнинг мукофот ҳақидаги гапини ёдда тутган ҳолда олим мутолаага киришади ва биринчи қатордаёқ, кейин эса матннинг яна бешта жойида хато топади. Бу мусаҳҳиҳлик ишининг нечоғлик мураккаблигини кўрсатади.

Ноширлик иши тарихида ўзига хос қарорлар қабул қилинганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Биргина мисол: XVIII асрда олмон аслзодаларининг шахсий таклифлари асосида «ёғоч кутубхоналар», яъни турли дарахтлар ҳақидаги китоб тўпламлари тайёрланган. Қизиғи, уларда дарахт мевaси, барги, уруғи, гули ва томири намуналари ҳам бўлган. Бундай гербарий китоблар ҳар хил дарахтлардан қутича шаклида тайёрланган, муқоваси учун эса ўсимлик пўстлоғидан фойдаланилган. Энг зодагон инсонларда шу каби китоблар юзлаб миқдорда бўлган.

УЛКАН ВА МИТТИ ТУРДАГИЛАР

Юксак технологиялар кундалик ҳаётимизда тобора мустаҳкам ўринга эга бўлаётган бугунги кунда митти китобларни чоп этиш билан одамларни ҳайрон қолдириб бўлмайди. Бироқ, mirknig.ru манбасида айтилишича, 1860 йилларда бундай китоблар катта қизиқиш билан кутиб олинарди. Ўшанда Японияда дунёдаги энг кичик — «Гуллар тили» номли китоб инглиз тилида чоп этилганди. Уни фақат махсус катталаштириб кўрсатадиган шиша ёрдамида ўқиш мумкин бўлган холос. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: китобни игна тешигидан бемалол ўтказса бўлади. Мазкур юз саҳифали нашр атиги 0, 0076 граммга тенг. Ҳозирги технологиялар, бунинг устига нанотехнологиялар соҳаси жадаллик билан ривожланаётган айни кунда митти китобларни яратиш у даражада қийин туюлмас. Лекин ўтмишда ҳам матбаа усталарининг бунинг уддасидан чиққанлиги чиндан тахсинга лойиқ.

«Жажжи» китоблардан яна бири XX асрнинг ўрталарида ҳунарманд Михаил Маслюк томонидан яратилган. Ушбу китоб рус шоири А.С.Пушкиннинг шеърий тўпламидир. Китобча лолақизғалдоқ уруғидан 15 баробар кичик бўлишига қарамай, унинг муқовасига шоирнинг сурати туширилгани янада эътиборлидир.

Лейпциг (Щвейцария) матбаа музейида жаҳондаги энг катта деб эътироф этилган китоб сақланади. Бу — «Буюк Курфюст атласи». Асар XVII асрнинг ўрталарида голланд картографлари устахоналарида тайёрланган. Унинг таркибига 38та харита киритилган. Шу билан бирга, китобда Ер шарининг ўша даврда маълум барча ҳудудлари ва XVII аср география илми борасидаги қизиқарли ахборотлар берилган.

ЭЗГУ МАҚСАДЛИ ДЎСТ

Даврлар ўтгани сари ҳамма нарсада кузатилганидек, китоблар оламида ҳам мисли-сиз ўзгаришлар юз бермоқда. Бир пайтлар ўз даврининг мўъжизаси бўлган нашрлар ҳам вақти келиб ўтмишнинг бир бўлагига айланиб бормоқда. Айни пайтда шундай асарлар борки, уларнинг қадр-қиммати вақт ўтса-да, йўқолмайди. Бу «Қобуснома» (Кайковус), «Гулистон ва Бўстон» (Саъдий Шеърозий), «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Хожиб), «Хамса» (Алишер Навоий), «Мантиқуттайр» (Фаридиддин Аттор), «Ал жомеъ ас-саҳиҳ» (Имом Ал-Бухорий), «Тиб қонунлари» (Абу Али ибн Сино) каби қатор асарлардир. Ғарбда ҳам шундай асарлар бир талай. Биргина мисол, 1719 йилда босмахонадан чиққан Даниэль Дефо қаламига мансуб «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асари энг машҳурлардан бири сифатида тан олинган. Сабаби, у ҳозирги кунда энг кўп қайта чоп этилган, дунёнинг турли тилларига таржима қилинган китоб ҳисобланади.

Умуман олганда, инсоният цивилизациясидаги ҳар бир давр китоб нашр этиш саноатига янгича технологияларни олиб кирмоқда. Мана, 1980-йилларда итальян нашриётларидан бири томонидан ҳидли китоблар чиқарила бошланди: «Маугли» асаридан — банан, «Қизил қалпоқча»дан — қулупнайнинг хуш бўйи келиб туради. Аслида бу — бошланиши, холос. Чунки матбаа иши тараққиётидан яна қанчадан-қанча янгиликлар яратиш мумкин.

Фақат бир жиҳат муҳим: китобни яратишда у билан бирга илк даврданоқ пайдо бўлган китобхон билим савиясини ошириш, тафаккурни ривожлантириш, фикр доирасини кенгайтириш ва маънавий-руҳий озуқа бериш каби эзгу мақсадлар сақланиб қолмоғи даркор. Негаки, китобларнинг чин маънодаги қиммати ҳам шу билан белгиланади.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2010—2011-yillarga moliya byudjetini taqsimlash loyihasida uchuvchilar boshqaradigan uchish apparati modellarini yaratuvchi xususiy kompaniyalarga 6 milliard dollar miqdorida subsidiyalar berish taklif etildi.

ҲАЁТБАХШ ИЧИМЛИК ТОПИЛДИ(МИ)?

«Нэйче» журналида балиқ мойи Калифорния штати университети тадқиқотчилари томонидан афсонавий «ҳаётбахш ичимлик» сифатида кўрсатилмоқда. Улар бундай тўхтамга модданинг таркибини ўргангандан сўнг келишган. Аниқланишича, мойдаги Омега-3 кислота ДНК молекуласини ўраб турувчи қобиқ парчаланишига йўл қўймайди. Шу тариқа хромосомаларга зарар етишининг олди олинади. Натижада, инсон организмидаги кексайиш жараёнлари секинлашади.

Таркибига кўра, балиқ мойи ўта тўйинган кислоталардан ташқари яна А (каротин) ва D витаминларига бойдир. Маълумот ўрнида айтиш зарур, организмда А витаминининг етишмаслиги туфайли соч ва тирноқлар мўрт бўлиб қолади, тери эса қуруқшайди. D витамини бўлса, суяклар учун зарур кальций ва фосфорнинг тез сингишига ёрдам беради. Қолаверса, кислоталар билан биргаликда Омега-3 ортиқча вазнли инсонларга ҳам фойдадан холи эмас. Сабаби, улар ёрдамида ёғлар метаболизми жараёни тезлашиб, ортиқча калориялар тез сарфланади, юрак ва қон томирлари касалликларининг олди олинади.



ОЙГА ҚАЙТА ПАРВОЗ УЮШТИРИЛМАЙДИ

НАСАнинг улкан режалари яқин келажакда амалга ошмаслиги маълум бўлди. Чунки мамлакат раҳбарияти 100 миллиард доллар талаб этиладиган Ойга яна парвоз этиш дастури маблағини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг сўзларига қараганда, лойиҳа жуда катта маблағни талаб этиб, айни пайтда унда жиддий инновацион мақсадлар кузатилмайди. Бунинг устига, Ойни забт этиш дастури белгиланган муддатдан анча ортда қолган. Унга ўта эътибор кучлилигидан НАСАнинг бошқа лойиҳаларида ҳам олдинга силжиш сезилмаяпти, деб хабар беради АП.

Айни пайтда ҳукумат космик лойиҳалар ва илмий ишланмаларни эътибордан четда қолдирганича йўқ. 2010—2011 йилларга молия бюджетини тақсимлаш лойиҳасида учувчилар бошқарадиган учиш аппарати моделларини яратувчи хусусий компанияларга 6 миллиард доллар миқдорида субсидиялар бериш таклиф этилди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ Ойни забт этиш дастури 2004 йилда иш бошлаган эди. Шу даврдан то ҳозирги кунгача НАСА лойиҳани амалга ошириш учун 9 миллиарддан ортиқ маблағ сарфлаган. Лойиҳага кўра, аввал эскирган шаттларни янги космик кемалар билан алмаштириб, сўнгра Ойга парвоз этиш ва у ерда орбита ташкил этишни режалаштирилганди. Бундан бироз вақт олдин эса дастлабки янги кема 2015 йилда самога чиқарилиб, 5 йилдан сўнг Ойда космик база қурилиши тугатилиши эълон қилинганди. Лекин маблағ етишмаслиги ва муваффақиятсиз тажрибалар туфайли белгиланган муддатда бажарилмаётган дастур охир-оқибат мамлакат раҳбарияти томонидан тўхтатилди.



ИШ УЧУН ҲОРДИҚ МУҲИМ

Тадқиқотчилар узоқ муддатли хотиранинг шаклланишида дам олишнинг ҳам аҳамияти катта бўлади, деган хулосага келишди. Лила Давачи ва Нью-Йорк университетининг бир гуруҳ олимлари бу борада илмий тажриба ўтказишган, дейилади км.ньюс электрон саҳифасида.



Изланишлар пайтида мия фаоллигининг даражасини аниқлаш мақсадида даставвал иштирокчилар мияси магнит-резонансли томография ёрдамида сканерланган. Сўнгра тажрибада қатнашаётганларга турли суратлар кўрсатилиб, иккита расм ўртасида ўхшашликни топиш таклиф этилган. Мазкур машқларни бажаришда бош миянинг баъзи бир қисмлари фаоллашгани кузатилган.

Синовлардан сўнг иштирокчиларга ҳордиқ чиқариш ва бирон-бир ёқимли нарсалар ҳақида фикр юритиш таклиф этилган. Айни пайтда уларнинг мияси олдингидай магнит-резонансли томографда кузатиб борилган. Натижада дам олиш пайтида ҳам мия қобиғининг асосий фаолият қисмлари ишлаб туриши маълум бўлган. Ўз навбатида қобиқнинг фаоллашуви гиппокамп (миянинг хотира учун масъул қисми)нинг ишлаб туришига сабаб бўлган.

СУЮҚ КРИСТАЛЛ ШАКЛИДАГИ «ЁН ДАФТАРЧА»

«Импрув Электроникс» компанияси томонидан «Буги Боард» суюқ кристалл шаклидаги планшет ишлаб чиқилди. Эндиликда у қоғоз ён дафтарчаларнинг ўрнини босади, деб маълум қилди Би-Би-Си Ньюс. Ускунадан фойдаланиш учун махсус пластик материалдан ишланган экран юзасига қайдлар ёзилади. Ёзувлар учун энергия сарфланмайди. Уларни йўқотишда зарур бўладиган қувват учун эса 50 минг марта ўчириш имконини берадиган батарейка жойлаштирилган.

Экранда чизиш ёки қайдлар учун махсус қалам ҳам ишлаб чиқилган, айни пайтда бунинг учун исталган қаттиқ буюмни қўллаш мумкин. Чунки ускуна экрани сезувчан. Ҳозирча «Буги боард»-дан ёзувларни бошқа рақамли техника воситалари — компьютер, ноутбук ёки мобиль телефонига ўтказиш имкони йўқ. Сотувда мазкур янги турдаги ишланма тахминан 30 доллар баҳоланмоқда. Унда амалга оширилган қайдларнинг бир маротаба ўчирилиши қиймати оддий ён дафтарча варағидан 15 баробар арзон эканини мутахассислар таъкидлашмоқда.

РЕЖАДА — 2016 ЙИЛДА САМОНИ ЗАБТ ЭТИШ

Ҳиндистон самовий тадқиқотлар ташкилоти учувчилар томонидан бошқариладиган космик кемани 6 йилдан сўнг илк марта самога чиқаришни режалаштираётганини маълум қилди. Ташкилот раҳбари Кумарасвам Радҳакришнанинг таъкидлашича, самовий кема бортидаги икки нафар космонавт орбитада бир ҳафта бўлиши кўзда тутилмоқда.



— Яқин 4 йил ичида мазкур вазифани амалга ошириш учун космик модуль лойиҳасини тайёрлаймиз ва уни ишлаб чиқамиз, — дейди бу борада мутахассис. — Шу билан бирга, самовий кемада қўшимча қисмлар — экипаж билан капсулага кириш бўлмаси ва қутқарув тарнови бўлади.

Ҳозирда Самовий тадқиқотлар ташкилоти ходимлари 2,76 миллиард доллар маблағ сарфланадиган инфраструктура режасини бажариш билан банд. Лойиҳа доирасида Шрихарикота оролида йирик ўқув маркази ва космодромдаги учинчи махсус парвоз қилиш майдончасини қуриш мўлжалланмоқда. Бу ҳақида Риа-новости хабар берди.

НАНОЦЕМЕНТ КАШФ ЭТИЛДИ

Обнисқдаги Калуга ҳудудий нанотехнологиялар марказида техника фанлари номзоди Игорь Шкарупа бошчилигида ўзига хос хусусиятли наноцемент ихтиро қилинди. Км.ру манбасида айтилишича, олимлар ушбу янгича қурилиш материалини яратиш учун оддий цементга махсус наномоддалар қўшган. Натижада, қисқа фурсатда қотадиган ва юқори даражадаги ҳароратга ўта чидамли цемент ҳосил қилинди.



Эндиликда наноцементдан қатор қурилиш объектлари, масалан, стратегик ракеталар шахталари учун фойдаланиш мумкин. Сабаби, ракета парвозига старт берилганида ёқилғи 3000 даражадаги ҳароратда бўлади. бундай ҳолларда жуда қўл келади. вазндаги самолётларни қабул қилиш рида қўлланилиши мумкин.

Янги «ишланма» эса чидамлилиги боис Бундан ташқари, наноцемент ўта оғир учун аэродромларнинг қўниш майдонла-

«ҚЎШИҚ» СУРАТЛАРДА АКС ЭТДИ

Акустик буюмлар муҳандиси Марк Фишер кит ва дельфинлар «қўшиқ»ларини суратларда акс эттиришнинг уддасидан чиқди. Олинган тасвирлар галереяси Сайенс. фотолайбрери сайтига жойлаштирилган, жараённинг баёни эса «Нью Сайентист» илмий нашрида берилган.

Аслида ушбу денгиз сут эмизувчилари чиқарадиган товушлар биологларга ҳайвонларни фарқлашда ёрдам беради, чунки улар (масалан, тебраниш даражасига қараб) турлича бўлади. Одатда кит ва дельфинлар товушлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, уларни таҳлил этиш учун илм-фанда «Фурье» усуллари номини олган методикадан фойдаланилади. Аммо баландлиги, давомийлиги ва кўлами билан жуда фарқланадиган, даврий бўлмаган товушларни ўрганишда улар етарли самара бермайди. Шу сабаб, Марк Фишер ўзгача — вейвлет усулларидан фойдаланишни мақсад қилади. Бундай ёндашув натижасида муҳандис ҳар хил турдаги дельфин ва китлар чиқарадиган товушларнинг ўзига хосликларини яққол кўришнинг имконини берадиган, нисбатан аниқ тасвирларни олди. Қолаверса, олинган суратлар ажойиб геометрик фрактал шаклдалиги сабаб жуда ҳам таъсирли экани маълум бўлди.



Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилари жамоаси «Гуманитар фанлар» кафедраси доценти Раъно Якубовага онаси

МУҲАББАТ аянинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилари жамоаси «Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси» кафедраси доценти Раъно Асамовага онаси

МУНАВВАРХОН аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси механика-математика факультети «Геометрия ва амалий математика» кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори Рўзиназар Бешимовга акаси

Жуманазар БЕШИМОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Birinchi bo‘lishga undash uslubi doimo o‘zini oqlaydi. Chunki bolalar hamisha o‘zini ko‘rsatgisi, tengdoshlaridan bir qadam oldinda yurgisi keladi.

Ma'rifat
2010-yil 3-fevral

DARSIM QIZG‘IN O‘TSIN DESANGIZ...

Faqat ma’ruzaga asoslangan an’anaviy darslar davri o‘tdi. Axborot oqimi sur’ati tezlashgan bugungi kunimizda o‘tilayotgan har bir dars rang-barang bo‘lmasa, o‘quvchi e’tiborini bilimga jalb etish mushkul. Bunday holda, ayniqsa, darsni o‘yinlar asosiga qurish sezilarli samara beradi. O‘yinlarni esa o‘quvchi psixologiyasidan kelib chiqib tanlagan ma’qul. **Birinchi bo‘lishga undash** uslubi doimo o‘zini oqlaydi. Chunki bolalar hamisha o‘zini ko‘rsatgisi, tengdoshlaridan bir qadam oldinda yurgisi keladi.

O‘z tajribamdan kelib chiqib, «Zinama-zina» va «Kimning hosili mo‘l?» o‘yinlari o‘quvchilar faolligi hamda dars qizg‘inligini ta’minlaydi, deya olaman. Bu o‘yinlarni tashkil etish juda oson, katta tayyorgarlik ham talab qilmaydi.

Misol tariqasida 5-sinflarda mehnat ta’limidan xalq hunarmandchiligi bo‘yicha o‘tilgan darsni keltirish mumkin. Yangi mavzu tushuntirilgach, sinf o‘quvchilari ikki guruhga bo‘lib olinadi. Shundan so‘ng **«Zinama-zina»** o‘yini boshlanadi. O‘yin shartiga ko‘ra, sinf taxtasiga chizilgan quyidagi chizma pog‘onalari ikki tomondan to‘ldirib kelinadi. Qaysi guruh birinchi bo‘lib eng yuqorigi pog‘onaga chiqib olsa, g‘olib bo‘ladi. Bunda zinaning pillapoyalariga xalq hunarmandchiligi yo‘nalishlarini yozib chiqish talab etiladi.

«Zinama-zina» o‘yini o‘quvchilarni xalq hunarmandchiligining ko‘proq yo‘nalishlarini bilishga undaydi. O‘yin asnosida bolalar o‘zlari uchun noma’lum bo‘lgan amaliy san’at turlarini ham bilib olishadi. G‘olib aniqlangach, o‘qituvchi

Sinab ko‘ring

pillapoyalarga yozilgan har bir hunar haqida qiziqarli ma’lumotlar keltirsa, maqsadga muvofiqdir.



«Kimning hosili mo‘l?» o‘yini ham dars samaradorligini oshirishi shubhasiz. Bunda ikki guruhga ikki xil shart beriladi. Har bir guruh sinf taxtasiga uzum mevasining rasmini chizib, uning donalarini xalq hunarmandchiligi turlari va milliy kiyimlarning nomi bilan to‘ldirishi kerak. Berilgan muddat tugagach, qaysi guruhning uzumi chiroyli va mo‘l bo‘lsa, g‘olib deb e’lon qilinadi.



Bu o‘yinda faqat bilimdonlikka emas, balki guruh a’zolarining o‘zaro bir-birini tushunib, birgalikda chiroyli surat chizishiga ham e’tibor qaratib, shu orqali o‘quvchilarni estetik tarbiyalash mumkin. Faol ishtirok etgan o‘quvchilarni dars so‘ngida o‘rni bilan rag‘batlantirishni ham unutmaslik lozim. Zero, rag‘bat bolaga katta kuch-g‘ayrat beradi.

Uljamol ALLAMURODOVA,
Sherobod tumanidagi
17-maktab o‘qituvchisi

Ta’lim fidoyilari

МЕҲНАТ — ОМАД ГАРОВИ



Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий кенгашига йиғилган олимларнинг диққат-эътибори ёш тадқиқотчи Нодир Ёдгоровга қаратилган. Бухоро давлат университетининг «Чизмачилик ва тасвирий санъат» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаётган бу йигитни чизмачилик фанида энг кўп учрайдиган фазовий алмаштиришлар қизиқтирарди. Шу боис, у бундан анча йиллар муқаддам «Фазовий алмаштириш жараёнида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш омиллари» мавзуси устида илмий иш бошлаган эди.

Ўз ишини сидқидилдан бажарган кишининг ортидан омад ҳамиша қувиб юрар экан. Инсон юрагида куч-ғайрат ва шижоат бўлса, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз олдига қўйган эзгу мақсадига эришади.

Бахмал туманидаги 64-умумтаълим мактабида рус тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган изланувчан педагог, Халқ таълими аълочиси Дилфуза Илашованинг фаолиятига назар ташлаганда ҳам ушбу фикрлар хаёлимиздан ўтади.

1992 йили ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган Дилфуза опанинг ўқувчилик йиллари Тошкент шаҳридаги 14-мактабда ўтгани боис, Бахмалга келин бўлиб тушганида, унга қишлоқ ва шаҳар мактабидаги тафовутлар дарҳол сезилди. Бироқ у мавжуд шароитдан оқилона фойдаланган ҳолда иш юрита бошлади. Муаллима ҳар бир дарсига алоҳида тайёргарлик билан кирар, ўқувчиларнинг диққатини мавзуга жалб этар, қисқаси, изланарди. Кейинчалик мактабда иқтисод фани ўқитувчисига зарурат туғилгани боис қайта тайёрлов курсида ўқиб, иқтисод фани ўқитувчиси мутахассислигини ҳам эгаллади. Бу мутахассислик сир-асрорларини пухта ўзлаштиришда давом этар экан, Дилфуза опа «Иқтисодий билим асослари» фани орқали ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқди, шу фандан бошланғич синфлар учун «Болажон» универсал ўқув-методик кўргазмали қуролини таълимга жорий қилди. Фан хонасини белгиланган меъёрлар асосида жиҳозлаган ўқитувчи замонавий педтехнология асосида дарс ўта бошлади. Хусусан, мавзулар бўйича ноанъанавий дарс ишланмалари ва 1000дан зиёд тест материалларини яратди.



1998, 2000, 2005 йилларда тиришқоқ муаллиманинг ёш ўқитувчилар учун яратган тавсия ва методик қўлланмалари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилган бўлса, кейинги йилларда республика Таълим маркази томонидан оммалаштирилиб, у РТМ иқтисод бўлимининг илмий-методик кенгаши аъзоси сифатида ҳам фаолият бошлади.

Д.Илашова ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалаларига масъулият билан ёндашади. Иқтидорли болалар билан алоҳида шуғулланиб, республика «Tong yulduzi» газетаси томонидан ўтказиладиган «Иқтисодиётдан сабоқлар» кўрик-танловида мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари, муаллиманинг ўқувчилари «Сиз тарихни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 2003 йилда 1-ўринни эгаллаган бўлса, ўзи 2006 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринга сазовор бўлди.

— Дилфуза мактабга энди ишга келган пайтларидаёқ, ўз ишига масъулият билан ёндашарди, — дейди мактабнинг собиқ раҳбари, ҳозирда тумандаги 33-мактаб директори Гулжаҳон Пардаева. — Кейинчалик бу мактаб иқтисод фанидан вилоят миқёсида тажриба-синов майдончасига айлантирилди ва биз жамоа билан келишиб, бу масъулиятли вазифани Дилфузанинг зиммасига юкладик. Барча методик ва амалий ишларни ўз вақтида олиб борган ўқитувчи тажриба-синов ишларини ҳам муваффақиятли адо этганди.

Айни пайтда Д.Илашова иқтисод фани ўқитувчиси сифатида дарслик муаллифлари билан мунтазам алоқа ўрнатган. Тез-тез улар билан боғланиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради, ўз ўрнида муаллифларнинг ҳам таклиф ва мулоҳазаларини тинглайди.

— Мен қишлоқ ёшларининг дарсдан бўш вақтларида фойдали машғулот билан шуғулланишини, замонавий билимларни янада пухта эгаллашини истайман, — дейди педагог. — Улар учун ўқув маркази ташкил этмоқчиман.

Дилфуза опанинг режа ва мақсадлари кўп. 2009 йилнинг сўнгида у «Меҳр нури» ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари томонидан ўтказилган «Йил аёли» республика кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади.

Зебо НАМОЗОВА

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШ ҲИССИ

у болада тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари асосида шаклланади

Ушбу ижодий лойиҳани ўрганишда ёш мутахассис етук олим Аҳмаджон Умронхўжаевнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таянди. Номзодлик ишида фазовий алмаштиришларнинг 11таси мукаммал тарзда очиб берилганлиги, бунга доир чизмаларнинг ҳавола этилганлиги илмий кенгаш аъзолари томонидан юқори баҳоланиб, тадқиқотчига «Педагогика фанлари номзоди» илмий даражаси берилди.

Дарҳақиқат, мактабда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, шунингдек, олий таълим даргоҳларида чизмачилик, тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Тасвирий санъатдан боланинг илк тушунчаларини шакллантиришга мактабгача таълим муассасаларидаёқ киришилади. Бу билан боланинг ижодкорлик қобилияти ривожланиб, гўзаллик яратиш ҳисси уйғонади. Шу боис бола камолида ушбу фанларнинг аҳамияти катта.

Аҳмаджон Умронхўжаев қаерда, қайси вазифада ишламасин, чизмачилик фанини ўқитиш, уни такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, уларни амалиётга жорий этиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини илмий жамоатчиликка ҳавола қилади. Унинг муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида 8—9-синфлар учун чизмачилик дарслиги, «Проекциялаш асосларидан таълим бериш», «Техникавий графика асослари», «Мактабда чизмачиликни ўқитиш методикаси», «Машинасозлик ва қурилиш чизмачилиги», «Чилангарлик» каби кўплаб ўқув адабиётлари чоп этилган. Устоз яратган «Чизмачилик» дарслигидан 1995 йилдан бери мактабларда ўқув адабиёти сифатида фойдаланилаяпти. Дарсликнинг кейинги 2006 йилги нашри чизмачилик фани ўқув дастурларининг такомиллаштирилган мавзуларига мувофиқ анча мукаммаллаштирилган.

Ҳозирги вақтда ҳар бир фанни ўқитишда дидактик материаллардан, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш таълим сифатини оширади. Ўз илмий-педагогик фаолиятини Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида давом эттириб келаётган Аҳмаджон Умронхўжаев 200га яқин дидактик материаллар мажмуасини тайёрлаган. Булардан курс тингловчилари фойдаланмоқда. Бундан ташқари, чизмачилик курсининг энг мураккаб мавзуларини ўз ичига олган 20 соатлик мультимедиа ҳам Аҳмаджон Умронхўжаев ижодкорлиги маҳсулидир. Ушбу мультимедиа материалларидан нафақат умумий ўрта таълим, балки ўрта махсус, касб-ҳунар, кейинги босқич — олий таълим даргоҳларида ҳам чизмачилик фани машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Институтнинг нашриёт бўлимини бошқариб келиш жараёнида А.Умронхўжаев турли услубий қўлланмалар, тест саволлари, буклетларни тайёрлаш ва тарқатиш механизмини шакллантира олган.

Педагогика фанлари номзоди, профессор Аҳмаджон Умронхўжаев таълим соҳасидаги қирқ йиллик фаолияти давомида самарали меҳнатлари билан ўз жамоасида обрў-эътибор қозонди. Зеро, ўз жамоасида ҳурмат қозонган кишининг оиласида ҳам тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

O'yinga amaliy yakunni yasagan gol (85-daqiqada) turnir to'purari bo'lgan misrlik yarim himoyachi Muhammad Gedo (5ta gol) nomiga yozildi. Shuning bilan Misr terma jamoasi qatorasiga uchinchi marotaba Afrika millatlar kubogi sohibiga aylandi.

БАРКАМОЛЛИК МУСОБАҚАСИ

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети спорт мажмуасида баскетбол бўйича мусобақа ўтказилди. У Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бундан мақсад — ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўртасида баскетболнинг оммавийлигини янада ошириш, иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олишдан иборат эди. Тумандаги 35, 64, 207, 71, 286-мактабларнинг кўзларида шижоат ва ғалабага ишонч учқунлари порлаб турган ўғил-қизлари қизғин баҳсларга киришди.

— Мусобақада қатнашаётганимдан жуда бахтиёрман ва буни бизга яратиб берилаётган имкониятларнинг натижаси деб биламан, — дейди 64-мактаб ўқувчиси Шерзод Аҳмедов. — Шунинг учун ота-онамиз, ўқитувчиларимиз ишончини оқлаб, доим ғалаба қозонишни мақсад қилганман. Келажакда жаҳон спорт майдонларига ҳам чиқишни орзу қиламан. Ўйланманки, ушбу мусобақа мазкур мақсад йўлида қўйган илк қадамимиз бўлади.

Қизғин беллашув якунига кўра, қизлар жамоалари ўртасида 1-ўрин — 286-мактаб, 2-ўрин — 35, 3-ўрин эса 207-мактаб жамоаларига насиб этди. Ўғил болалар жамоалари орасида 208-мактаб (1-ўрин), 35-мактаб (2-ўрин) ва 71-мактаб жамоаси (3-ўрин) ғолиблар сафидан жой олди. Барча иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар берилди. Бундан ташқари, 101-махсус мактаб ўқувчиларига спорт буюмлари жамланмаси топширилди.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Afrika millatlar kubogi

МИСР — ЧЕМПИОН, БИРОҚ...

Африка футболи кейинги йилларда жаҳон футболи ривожи учун сезиларли ҳисса қўшаётган чарм тўп соҳибларини етказиб бераётганидан хабарингиз бор.

Европанинг бир қатор таниқли ва ҳаттоки гранд жамоаларида фаолият юритаётган машҳур футболчилар ўз терма жамоалари шарафини ҳимоя қилишди. Хусусан, Сейду Кейта, Яя Туре, Коло Туре, Самюэль Это'О, Кануте, Дидье Дрогба, Соломан Калу, Дидье Зокора, Муҳаммад Зидан сингари "соккерчи"ларни улғайтирган замин чемпионати африкаликларни ҳаяжонда ушлаб турди.

Энг қизғин учрашув ярим финалда кўзга ташланди, бунда икки азалий рақиб — Жазоир ва Миср терма жамоалари рўбарў келди. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, яқиндагина (2009 йили) мазкур жамоалар жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ҳам курашга киришган ва оқибатда Мисрнинг "алами" ичида қолганди. Қайтадан ўтказилган учрашув натижасига кўра, Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган мундиалга бориши маълум бўлган Жазоир кўчаларида байрам бошланиб кетганди.

Байрам Африка миллатлар кубоги ярим финалида тугади. Аниқроғи, аламзада мисрликлар томонидан тўхтатилди. Ахир «ЖАР орзуси»дан мосуво қилган рақиблари дарвозасига тўртта жавобсиз гол киритилади-ю, байрам давом этаверадими?! Аксинча, шодиёна Миср кўчаларига кўчди.

Шундан сўнг тақдирга тан берган жазоирликлар бронза медали учун Нигерия билан куч синашди. Асосий рақиби Мисрга имкониятни буткул бой берибгина қолмай, қизил карточкалар сабабли асосий ўйинчиларини ҳам йўқотган Зайниддин Зиданнинг асл ватандошлари учинчи ўрин учун ўтган баҳсда ҳам мағлубиятга учради, ҳисоб 1:0, ягона голни нигериялик Виктор Обинна жазоирликлар дарвозасига киритди. Бу натижа билан нигерияликлар охирги бешта Миллатлар кубоги турнирлари бўйича ҳисоблаганда, тўртинчи марта бронза медали соҳибига айланишди.

Финалга йўл олган иккинчи жамоа Гана эди. Эсингизда бўлса, ганалик ёшлар 2009 йили Мисрда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам финалга чиққан ва бразилиялик ёшларни пенальтилар сериясида доғда қолдириб, шоҳсупага кўтарилганди. Лекин бу сафар Мисрни тўхтатиб қолишнинг деярли имкони йўқ эди. Ярим финалдаги тарихий ғалабасидан куч-қувват олган "эҳромлар юрти" футболчилари финал учрашувида 1:0 ҳисобида ганаликларни енгди. Ўйинга амалий якунни ясаган гол (85-дақиқада) турнир тўпурари бўлган мисрлик ярим ҳимоячи Муҳаммад Гедо (5та гол) номига ёзилди. Шунинг билан Миср терма жамоаси қаторасига учинчи маротаба Африка миллатлар кубоги соҳибига айланди.

Энг ачинарлиси, қитъада тенгсизлигини кетма-кет учинчи бора исбот этишига қарамай, мундиал Мисрсиз ўтади.

ПЕШҚАДАМЛИК ИСБОТИ

"Australian Open"

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида кечган йирик халқаро мусобақа — "Австралиан Опен" турнирининг галдагиси ўз ниҳоясига етди. Теннис ихлосмандлари қарийб ярим ой мобайнида давом этган муросасиз матчларда кўплаб ҳаяжонли дақиқалар гувоҳи бўлиш билан бирга, кутилмаган натижаларни ҳам ўз ён дафтарчасига ёзиб қўйишди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган баҳсларда дунёнинг амалдаги тенгсиз ракеткачиси швейцариялик Рожер Федерер тожини бежиз кийиб турмаганини исботлади. Испаниялик ажойиб ракеткачи Рафаэль Надални (у тиззасидан жароҳат олди) мусобақадан чиқариб юборган британиялик Энди Мюррей финалгача етиб келиб, ҳал қилувчи муҳорабада Федерер билан тенгма-тенг курашишга интилди, аммо... Воқеалар ривожини уч сет давомида қайд этилган ҳисоблардан ҳам билиб олиш мумкин: 6:3, 6:4, 7:6 (13:11).

Матч аввалида Федерер яққол устунликка эришишга ҳаракат қилди ва 2:0 ҳисобида олдинда бораётганди, аммо вазиятни тўғри баҳолай олган Энди мувозанатни тиклаб, Рожерни финал учрашувини жиддий босимда ўтказишга мажбур қилди. Бу ҳолат нақадар тўғри эканини, айниқса, Энди Мюррейнинг партия сўнгигача очколар учун курашишидан ва кутилмаган зарабалари билан рақибини саросимага солиб қўйишидан англаш мумкин эди. Шундай бўлса-да, "Улкан дубулға" туркумидаги йирик мусобақаларда кўпдан бери ғалаба таъмини тотолмаётган Энди Мюррей тажриба борасида ҳали Рожердан анча ортдалигини намойиш этиб қўйди...

"Австралиан Опен"даги улкан натижа швейцариялик моҳир теннисчига чексиз қувонч улашишдан ташқари, шахсий ғазнасига янги йилдаги дастлабки йирик совғани келтирди. Аниқроғи, Р.Федерер фаолияти давомидаги тўртинчи Австралия очиқ чемпионати бош совринини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Умумий ҳисобда эса айни кездаги муваффақият "Улкан дубулға" туркумига кирувчи мусобақаларда қўлга киритилган ўн олтинчи чемпионлик унвонидир.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган матчларда эса америкалик таниқли теннисчи Серена Уильямсга тенг келадигани топилмади. Бироқ унгача бир ажойиб янгиликни айтиб ўтиш керакка ўхшайди... Оралиқ танаффусдан сўнг 2009 йилнинг сентябрь ойидан расман "катта корт"га қайтган белгиялик Ким Клейстерс ушбу нуфузли турнирнинг финалига қадар "қоқилмай" етиб келишига бир баҳя қолди.

Ортда қолаётган мавсумлар мобайнида узлуксиз равишда турли мусобақаларда иштирок этиб улгурган Серена Уильямс финалда бельгиялик Жюстин Эненга эркин нафас олиш учун имкон бермади. Акс ҳолда, Динара Сафинадан то Мария Шараповагача бўлган кучлилар қатори (йигирматалик) Жюстиннинг "чанги"да қолиб кетарди...

Уч сет давом этган нафосатли хатти-ҳаракатларга тўла якуний мусобақада 6:4, 3:6, 6:2 ҳисобида америкалик ракеткачининг қўли баланд келди. Серена қаторасига бешинчи маротаба Австралияда ғолиблик нашидасини сурди. "Улкан дубулға" туркумидаги турнирларда эса 12-ғалабасини нишонлади.

Бир сўз билан айтганда, дунёнинг энг кучли теннисчиларини жамлаган дастлабки йирик халқаро турнир кўнгилдагидек ниҳоясига етди. Унда янги номлар шоҳсупага кўтарилмаган бўлиши мумкин, лекин турнир давомида машҳур спортчилар ўзларининг янги қирраларини намоён эта олди. Шундай ноёб жиҳатлари эвазига ҳам "Улкан дубулға" туркумидаги мусобақалар ўз мавқеини йўқотмай келаётган бўлса, ажаб эмас.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Sport darvozasi

ЯНГИ МУРАББИЙ ВА «ЭСКИ ЮВЕНТУС»

Сўнгги йилларда мағлубиятлар гирдобида қолган Туриннинг «Ювентус» футбол клубига янги бош мураббий тайинланди, деб ёзди Италия нашрлари. Собиқ мураббий Чиро Феррара билан тузилган шартнома эса бекор қилинди.

29 январь кунидан бошлаб ишга киришган Альберто Заккеронининг зиммасига улкан юмуш тушгани рост. У яқин ўтмишдаги афсонавий "Ювентус"ни тиклаши ва биринчи навбатда тўрт йилдан буён Италия "А" сериясида ҳукм сураётган "Интер" салтанатини қулатиши лозим. Аммо айни кезда бундай улкан ислоҳотни амалга ошириш жуда мушкул. Янги мураббий қўл остида "сеньорлар" биринчи учрашувни мамлакат чемпионатининг 22-турида "Лацио" клубига қарши ўтказди ва 1:1 ҳисобидаги дурангга имзо чекди. Альберто билан 2009/2010 йилги мавсум ниҳоясигача шартнома тузилган.

МУЗ УСТИДА "ФУТБОЛ"

Муз устида тўп билан ўйналувчи хоккей бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати финалида Россия ва Швеция терма жамоалари ўзаро куч синашди. Москвадаги махсус спорт мажмуасида кечган финал баҳсида мезбонлар мағлубиятга учради.

Рус хоккейчилари муз устида тўп билан муомала қилиш бобида швециялик ҳамкасбларига 5:6 ҳисобида имкониятни бой беришган бўлсада, ўйиннинг сўнгги сонияларигача курашишда давом этдилар. Бироқ ғалабага иштиёқи кучлироқ бўлган меҳмонлар ҳал қилувчи паллаларни ўз фойдасига ёзиб қўйишди. Айтиш мумкинки, финал учрашуви ғоят муросасиз ҳолатларга бой бўлди. Асосий бўлимга қўшиб берилган икки дақиқа тугаб бораётган бир вақтда шведлар 5:4 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Барча рус хоккейчилари мухлислари умидини узиб улгурган бир паллада ҳисоб яна тенглашди. Ва ниҳоят, "олтин тўп" қўшимча бўлимларнинг дастлабкисида Даниэль Моссберг томонидан киритилди. Учинчи ўрин учун ўтказилган курашда Финляндия терма жамоаси қозоғистонликларни доғда қолдирди.



РУНИНИНГ 100-ГОЛИ

Дам олиш кунлари Англия премьер лигасида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда марказий учрашув сэр Алекс бошқараётган "Манчестер Юнайтед" клуби ва Лондоннинг "Арсенал" жамоаси ўртасида ўтди.

Ўз майдонида "қизил иблислар"ни қарши олган Арсен Венгер шогирдлари мухлислари дилини ранжитишди. Шу оқшом Алмуниа ўз дарвозасидан уч маротаба тўп олиб чиқди. Луиш Нанининг ажойиб хатти-ҳаракатининг гол билан якунланиши ҳатто лондонликларни ҳам маҳлиё қилиб қўйди. Премьер лигада турдан-турга "очилиб" бораётган Уэйн Руни фаолияти давомидаги 100-голини эсда қоларли тарзда "Арсенал" дарвозасига киритди. Жанубий кореялик футболчи Парк Жи Сун "МЮ"нинг 3-голига муаллифлик қилди. Якуний ҳисоб 1:3. Турнир жадвалида "Бернли"ни 1:2 ҳисобида енгган "Челси" ҳамон пешқадам бўлиб турибди.

Фурқат ШАЙМАНОВ тайёрлади.

Муҳтарам
Сайфулла МАҲКАМОВ!

Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Биз Сизнинг машаққатли меҳнатингизни, 40 йиллик фаолиятингизни ҳамиша қадрлаймиз, ўқитувчилар сулоласининг муносиб издоши деб фахрланамиз.

Таваллуд айёмингизда эзгу тилакларимизни Сизга илиндик. Танингиз соғ, руҳингиз тетик бўлиб, хонадонингизга фақат яхшиликлар ёғилсин. Фарзанд ва шогирдларингиз камолидан қувониб яшаш бахти насиб этсин.

Юнусобод туманидаги
274-мактаб жамоаси

2010 йил 30 январдаги "Қайта нашр этиш бўйича 7-MRT-2010/7-рақамли Тендер савдолари" тўғрисидаги эълонга тузатиш.

Техник хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли 2-пакет қуйидагича ўқилсин:

Пакет рақами	Дарслик номи	Синфи	Таълим тили	Адади
2	Адабиёт (A'debiyat)	9	қорақалпоқ	10 684

Maktabgacha ta’lim muassasalarida

HAR BIR BOLA — O'ZGACHA OLAM

Kichkintoylardagi beg‘uborlikni o‘xshatmasak, aslida ularning har biri, qiziqishlari va fikrlashlari ham biri-birini takrorlamas o‘zgacha olamdir.

— Bog‘chamizda tarbiyalanayotgan kichkintoylarning ham qiziqishlari turlicha va rang-barangdir, — deydi Farg‘ona shahridagi 7-MTM psixologi Feruza Tojiboyeva. — Kimdir ko‘proq rasm chizishni yaxshi ko‘rsa, yana kimdir chizilgan rasmga qarab gaplar tuzishni, yana kimdir esa qog‘ozdan ajoyib shakllar yasashni zavq bilan bajaradi. Shu bois, biz tarbiyachi va psixologlar bolajonlardagi bu qiziqishlarni asrab-avaylab, rivojlantirishga harakat qilib kelmoqdamiz.

Darhaqiqat, buning uchun MTMda barcha sharoitlar yaratilgan. Guruhlarda rivojlantiruvchi markazlar, ko‘rgazmali vositalar va pedagoglar uchun metodik qo‘llanmalar, yumshoq o‘yinchoqlar-u qo‘g‘irchoqlar bisyor. Mashg‘ulotlarda ham bolalarning xohishi ko‘proq inobatga olinadi. Chunki tarbiyachi buyrug‘i va taklifiga ko‘ra bajarilayotgan mashq, bolalarning o‘zlari tanlab bajarayotgan mashq va o‘yinlarchalik qiziqarli tuyulmasligi mumkin. Shahardagi eng ilg‘or bog‘chalardan biri bo‘lgan 7-MTM tarbiyachilari esa doimo ana shu nozik jihatni unutmagan holda ish tutishadi. Shu bois bo‘lsa kerak, maskan kichkintoylari sog‘lom, chaqqon va bilag‘onligi bilan ajralib turadi.

B.RIZOQULOV olgan suratlar.

Ma'rifat

TA’SIS ETUVCHILAR:

O‘zbekiston Xalq ta’limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, O‘zbekiston Ta’lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay’ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO‘STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas’ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o‘rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o‘rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas’ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa’dulla HAKIMOV

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro‘yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.
Tiraji 46517.
Hajmi 8 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Zilola MADATOVA.
Navbatchi: Dilshod KARIMOV.

«Ma’rifat»dan materiallarni ko‘chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas’ul kotib—233-99-15, umumiy o‘rta va maktabgacha ta’lim yangiliklari bo‘limi — 236-53-16, fan, oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi yangiliklari bo‘limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo‘limi — 236-54-26, ma’naviyat va maktabdan tashqari ta’lim yangiliklari bo‘limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo‘limi — 236-55-58, reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
ЎзА якуни — 21.00

1 345